

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**Т.Н.ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ  
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА  
СУИЦИД ҲОЛАТЛАРНИНГ  
ОЛДИНИ ОЛИШ**

**Таълим муассасалари педагог ва психологлари учун  
МЕТОДИК ҚҰЛЛАНМА**

**«Камалак» нашриёти  
Тошкент - 2017**

КБК: 88.4  
В 88

**Вояга етмаганлар ўргасида сицид холатларнинг лдини олиш.**  
Методик қўлланмана./ Илмий-оммабоп нашр. Н.Тайлоқов. -Тошкент:  
«Камалак» нашриёти . 2017. 72 бет. .

Методик қўлланма Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссиясининг 2017 йилга мўлжалланган иш режасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан Халқ таълими вазирлигига юқлатилган топшириққа асосан ФЗ-2016-0910202206 - “Вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчиларни тарбиялашнинг ижтимоий педагогик технологиялари” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида ишлаб чиқилган.

КБК: 88.4  
В 88

Тузувчилар: **Норбек Тайлоқов**, ЎзПФИТИ директори,  
п.ф.д., профессор  
**Мохира Холикова**, катта илмий ходим, ф.ф.н., доцент,  
**Шаҳноза Тайлоқова**, А.Авлоний номли ХТХҚТМОМИ  
“Маънавият асослари” кафедраси мудири

Тақризчилар: **Холбой Ибрагимов**, п.ф.д., профессор  
**Шаҳзода Абдуллаева**, п.ф.д., профессор.  
**И.Арслонов**, п.ф.н  
**Ш.Султонова**, тадқиқотчи

ISBN 978-9943-4905-7-3

©.Н.Тайлоқов  
© «Камалак», 2017

## КИРИШ

Инсоният XXI асрда коинот ва табиат билан яхлит эканини янада кучлироқ ҳис этди. Цивилизация ривожланган сари инсоният тафаккурида технократик ёндашув яққол кўзга ташланмоқда ва гуманистик ғояларнинг ҳимояга муҳтоҷлиги сезилмоқда.

Дунё ҳамжамиятини қийнаб турган глобал муаммолар сифатида очлик, қашшоқлик, ичимлик суви танқислиги, пандемик касалликлар билан бирга маънавий хатарлар – гуманизм, толерантлик, ижтимоий интеллектнинг сусайгани, инсонлар билан ўзаро муносабатда хурмат, кенгфөйллик, кечиримлилик, сабр, оқибат туйғуларининг йўқола бошлагани тилга олинмоқда. ЮНЕСКОнинг “XXI аср таълими” бўйича халқаро қўмитаси дастурида инсоният олдида турган энг муҳим вазифалар қаторида *биргаликда яшаши ўрганиши ҳамда шахс сифатида ноёб, ягона, тақорланмас бўлишини ўрганиши* кабилар алоҳида таъкидлаб ўтилгани бежиз эмас.

Бугунги куннинг яна бир ижтимоий ҳодисаси глобаллашувдир. Ушбу феномен, муҳтарам Биринчи Президентимиз И.Каримов таъбирича, ижтимоий, сиёсий, маданий муҳитнинг шаклланиши, ҳаёт суръатларининг бекиёс даражада тезлашуви, давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграциянинг ҳамкорликнинг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин харакати учун қулайликлар вужудга келиши, кўплаб янги иш ўринларининг яратилиши, замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг, илм-фан ютуқларининг тарқалиши, турли қадриятларнинг умуминсоний негизда уйғунлашуви, циви- лизациялараро мулоқотнинг янгича шакли билан боғлиқ жа-раёндир.

Шу билан бирга у мафкуравий таъсир воситаси ҳамдир.

Айнан глобаллашув оқибатида турли маънавий таҳдидлар пайдо бўлдики, улар инсоният хавфсизлигини, давлатларнинг

миллий манфаатларини, келгуси авлодларнинг барқарор келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарга айланди. Бугун ер юзида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий мақсадлар кўзланган ана шундай уринишлар натижасида катта маънавий йўқотишлар юз бераётгани, миллатларнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва яшаш тарзи издан чиқаётгани, маънавияти жиддий хавф остида қолаётганини кузатиш мумкин.

Маънавий таҳдидлар – бу инсонларнинг маънавий оламини, рухиятини издан чиқаришга қаратилган турли шаклдаги гоявий, мафкуравий, ахборот хуружлариdir.

Маънавий таҳдиднинг ёрқин кўриниши оммавий маданиятдир. Ҳозирги даврга келиб оммавий маданият миллий давлатчилик тизимларига жиддий хавф сола бошлади. Инсонни маънавий юксалтирадиган ҳақиқий маънавиятдан фарқли равишда оммавий маданият шахснинг интеллектуал, эстетик, аҳлоқий деградациясини кучайтиради.

Оммавий маданиятнинг қўйидаги ижтимоий шакллари мавжуд: индивидуализм, шахсий манфаатларни ҳар нарсадан устун қўйиш, эгоцентризм, эркин муҳабbat гояси, зўравонликка асосланган компьютер ўйинлари, тижорат кинофильмлари, эстетик савиаси паст бўлган, маънавий озиқ бермайдиган бадиий асарлар, жамият анъаналарига зид равишда либослар кийиш, пирсинг, татуаж, хорижда ишлаб чиқарилган миллий табиатимизга ёт бўлган қўғирчоқлар, ўйинчоқлар ва ҳ. Ёшлар орасида кенг тарқалаётган хиппи, эмо, гот, неофашизм каби субмаданият турлари ҳам оммавий маданиятнинг салбий кўринишидир.

Ахлоқсизликни маданият деб билиш, асл маънавий қад-риятларни менсимасликнинг бундай ҳолатлари ёшлар тарбия-сига катта хавф солмоқда. Шунинг учун ҳам миллий гоялар, ҳақиқий қадриятлар тизимини ривожлантириш мақсадга муво-фик.

Маълумки, шахс маънавий камолотида оилавий тарбиянинг ўрни бекиёс. Оиланинг болаларга тарбиявий таъсир доираси ижтимоий таъсир доираси сингари ўта кенгдир.

Бироқ кейинги пайтда оилада фарзандлар тарбиясида, уларни камол топтиришда бир қатор муаммоларга дуч келинмоқда. Ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги салбий муносабатлар болаларда хулқ оғиши ҳамда психосоматик касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Шахснинг оғишган хулқи ёки девиант ахлоқ (*deviatio* – лотинча “*оғишмок*”) – бу умумий қабул қилинган ёки расман ўрнатилган ижтимоий меъёрларга мос тушмайдиган ахлоқ шаклидир.

Стресс ва депрессияга мойил ўсмилик даврида ўзининг долзарблиги билан ташвишга солувчи девиант ахлоқ қўриниши **суициддир** (лот. *sui caedere* – ўзини ўлдириш).

Расмий маълумотларга қараганда жаҳонда ёшлар орасида ўз жонига қасд қилиш ўтган йигирма йил давомида икки баробарга ошган.

Кейинги пайтда “Инстаграм”, “В контакте” каби ижтимоий тармоқларнинг турли сегментларида оммалашган ва кўплаб мунозараларга сабаб бўлган “Кўк кит”, “Тинч уй”, “WinX”, “Югурасан ёки ўласан” каби ҳали вояга етмаган ўсмиirlарни ўз домига тортаётган ўйинлар ҳам охири иштирокчининг ўз жонига қасд қилиш ҳодисаси билан якунланади.

Вояга етмаганларнинг ўз жонига қасд қилиш ҳолатларини текшириш шуни кўрсатадики, аксарият суицидлар ота-оналар, педагогларнинг қўполлиги, синфдошлари билан келишмовчилик, турли можаролар, атрофдагиларнинг эътиборсизлиги оқибатида, бефарқлик, инсофсизлик ва шафқатсизликка қарши исён сифатида юз беради.

Бугунги мураккаб глобаллашув даврида маънавият соҳасида вужудга келаётган долзарб муаммоларни ҳал этиш, ҳалқимиз маънавиятини асраш, юксалтириш, айниқса, ёш авлоднинг қалби ва онгини турли заарли ғоя ҳамда мафкуралар таъсиридан сақлаш, шунингдек, уни ҳимоя қилиш масалалари алоҳида эътиборга моликдир. Ёшларимизнинг маънавий оламида бўш-

лик вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ҳамда онгидаги соғлом турмуш тарзи, миллый ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик давриданоқ шакллантириш мухим вазифа.

Шахсни маънавий-ахлоқий шакллантириш боланинг туғилиши билан бошланади ва у оиласдаги маънавий мухит, отоналарнинг намунаси, умуммаданий савияси, таълим-тарбия жараёни, атроф-мухит ҳамда жамият ҳаётини қандай ташкил этишдан иборат. Шу боис бу ота-оналар, мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар, ўрта-маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари, барча жамоат уюшмалари, давлат ташкилотлари, бутун жамиятнинг улкан ва сермашаққат ишидир.

### **ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА СУИЦИД ҲОЛАТЛАРНИ СОДИР ЭТИШ ИЖТИМОЙ МУАММО СИФАТИДА**

Ватанимизнинг ривожланиши ва ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан халқнинг хуқуқий онги, маънавий тафаккури ҳамда сиёсий маданияти даражасига боғлиқдир. Бунда ҳар бир шахснинг сиёсий фаоллиги, унинг жамият ҳаётидаги ўзгаришларга нисбатан чинакам фуқаровий муносабатлари, демократик ислоҳотларга интиливчанлиги, кўзланган мақсадларга тезроқ эришишнинг мухим омилидир.

У инсоннинг ёшлигидан бошлаб онгига сингиб, мустаҳкамланиб бориши керак.

Шахснинг маънавий шаклланишига таъсир этувчи мухим омиллар орасида оила, мактаб, маҳалла, жамият ва ундаги ижтимоий, маданий-маърифий, иқтисодий соҳаларнинг умумий ҳолати айниқса мухимдир.

Маҳсус адабиётларда **девиант ахлоқ** (deviatio – лотинча “оғишмок”) атамаси билан номланадиган тушунча мавжуд. Ушбу тушунча шахснинг оғишган хулқига нисбатан кўлланилади.

Шахснинг оғишган хулқи – бу умумий қабул қилинган ёки

расман ўрнатилган ижтимоий мөн түшмайдын ахлоқ шакли. Девиант ахлоқ турли күринишларда намоён бўлади. Ушбу муаммо психология, криминология, медицина, социология фанлари доирасида ўрганилади.

Девиант ахлоқнинг энг оммавий тус олган күринишлари қуидагилардир:

- *жиноят содир этиши;*
- *алкоголизм;*
- *наркомания;*
- *суицид.*

Бошқача айтганда, бундай хулқ мавжуд қонунлар, қоидалар, анъаналарга мөн түшмайди. Девиант хулқ шахснинг маънавий қашшоқлиги ожизлиги таъсирида келиб чиқади ҳамда ижтимоий муҳит ва шахс ўртасидаги мураккаб вазиятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Маънавий баркамол бўлган шахс ижтимоий муҳит воқеа-ходисаларига нисбатан ижобий муносабатини намоён қиласди.

Вояга етмаган ўсмирларнинг шахс сифатида шаклланиш жараёни муаммоли вазиятларда уларнинг мақбул қарорлар қабул қилишларига тўсқинлик қиласди. Шунинг учун улар тез-тез жиноятчилик мазму-нига эга бўлган ҳара-катларнинг таъсирига



тушиб қолади. Ўсмирда аста-секин ижтимоий муҳит талаб ва мөн түшмайдын ахлоқнинг бутун фаолиятини, онгини қамраб олади. Натижада

Оқибатда салбий хулқ-атвор ўсмирнинг бутун фаолиятини, онгини қамраб олади. Натижада

бундай вазиятларда ўсмир ўзининг ёш даври хусусияти ва ҳаёти тажрибасизлиги туфайли ғайриқонуний ҳаракатларга қўл уриши мумкин.

**Суицид**, соддароқ қилиб айтганда – ўз жонига қасд қилиш стресс ва депрессияга мойил ўсмирлик даврида ўзининг долзарблиги билан ташвишга солувчи девиант аҳлоқ қўриниши.

Ўз жонига қасд қилиш – аксарият ҳолатларда олдини олиш қийин бўлган офат. Инсонни ўз ҳаёти билан видолашишга ундан сабаблар ҳатто унинг қариндошлари ва яқинлари учун ҳам жумбоқлигича қолмоқда.

Энг даҳшатлиси эса, бу машъум қадамни ҳали бутун ҳаёти олдинда бўлган ёшлар қўяётганидир.

Бу аянчли тенденция нимадан бошланаяпти? Бир пайтлар сирли ва тушунарсиз ҳисобланган суицид муаммоси омма томонидан деярли қабул қилинмаган ва мутахассислар томонидан тадқиқ этилмаган.

Эндиликда эса ушбу муаммо жиддий тус олди, у ҳақида кўп гапирилаяпти ва ёзилаяпти. Ўтган йиллар ичida тадқиқотчилар ақлни шоширадиган бу муаммо ҳақида кўп нарсани билиб олишди.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг статистик маълумотларига кўра, ҳар йили дунёда миллионга яқин киши ўз жонига қасд киласди.

Ҳар бир суицид ўлим билан тугамас-лиги ҳисобга олинса, реал вазият бундан 2-3 марта кўплигини тахмин қилиш мумкин. Суициднинг 800га яқин қўринишлари мавжуд. Улардан,



- 41% - ноаниқ этиологияга эга;
- 19% - жазодан құрқиши;
- 18% – рухий касалліктер;
- 18% - оиласын мұаммоловар;
- 6% - хиссиёттар;
- 3% - молиявий йүқотишилер;
- 1,4% - ҳаётдан түйиш;
- 1,2% - турли касалліктер.

Суициднинг эң жоғори құрсақчылары күйидеги давлатларда қайд этилған(хар 100000 ахоли ҳисобида):

*1-жадвал. Суицид құрсақчылари жоғори бүлгелерге дейінгі давлаттар (хар 100 000 ахоли ҳисобига)*

Т/П	Давлат номи	Үртаса
1	Гайана	44,2
2	Корея Республикасы	28,9
3	Шри-Ланка	28,8
4	Литва	28,2
5	Суринам	27,8
6	Мозамбик	27,4
7	Непал	24,9
8	Танзания	24,9
9	Қозогистон	23,8
10	Бурунди	23,1
11	Латвия	22,9
12	Хитой	22,1
13	Хиндустон	21,1

Вояга етмаганлар орасында суицид бошқа ёш гурухларидеги суицид даражасыдан жоғориго бүлгелер туфайли унга алохидан зерттебор қаратылады. У, одатда, қатор ижтимоий, психологик сабаблар туфайли юзага келади. Ёш йигит ва қыздар эрте ёшда ҳаётдан күз юмаётгани туфайли бу тадқиқотчиларни ҳам тобора

кўпроқ ўйлантираяпти. Янги нарсаларни ўргана бошлаган ва ҳамма нарсага қизиқиши ортиб бораётган ўспиринни ҳаёт йўлини эндиғина бошлаган даврида бу каби машъум қадамга нима ундаётгани кўпчилик учун тушунарсиз бўлиб қолмоқда.

Ўз жонига қасд қилаётган одамлар одатда кучли руҳий оғриқдан, қаттиқ депрессиядан азият чекадилар ва стресс ҳолатида бўладилар ҳамда келажакка умидсизлик билан қарайдилар. Улар ўз муаммоларини енгиш имкониятидан маҳрум эканликларини ҳис қиласидилар.

Суицидни даволаш олимлар олдига бир қатор мураккаб масалаларни қўймоқда. Ҳали ўз жонига қасд қилишга мойиллиги бўлган ўсмиirlар учун муваффақиятли терапия усусларини ишлаб чиқиш долзарблигича қолмоқда. Суициднинг олдини олиш бўйича бир қатор психологик, терапевтик дастурлар ишлаб чиқилган, аммо бундай дастурлар реал воқеликда умумий хавф омиллари ва ўсмиirlар орасида ўз жонига қасд қилиш даражасини қандай қилиб камайтириши мумкинлиги ноаниқлигича қолмоқда.

Шу билан бирга, суицидга оид тадқиқотлар сонининг доимий равишда кўпайиб бораётгани бу муаммонинг ечими топилишига умид беради. Балки эндиликда олимлар бу муаммоларни ҳал қилишга бутун жамиятни жало қилишлари ҳаммасидан муҳимроқдир. Бундай муҳит суицидни тўлароқ тушунишга ёрдам бериши ҳамда олимлар ва маслаҳатчилар аралашуви янада муваффақиятлироқ бўлишини тахмин қилиш мумкин.

Моҳиятан суицид ёлғиз қолган ва тушкунликка тушган одамнинг хатти-харакати бўлиб хисобланишига қарамай, бундай хатти-харакат аслида жамиятга ва айниқса, ўсмиirlарнинг тез таъсиранувчи руҳиятига катта таъсир ўтказади. Шунинг учун ҳам бу ерда ўсмир-девиантлар билан ишлашда турли технологиялардан фойдаланиш жуда муҳим.

## Суицид: умумий тушунчалар

**Суицид** (лот. sui caedere – ўзини ўлдириш) – мақсадли равищда ўзини ҳаётдан маҳрум қилиш, одатда, ихтиёрий ва мустақил равищда ўз жонига қасд қилиш.

Суицидга мукаммал таърифни француз социологи Эмиль Дюркгейм берган. Унинг талқини бўйича, шахс томонидан ўзини кутаётган натижага ҳақида била туриб, содир қилинган салбий хатти-ҳаракатнинг бевосита ёки билвосита натижаси бўлмиш ҳар бир ўлим ҳолати ўз жонига қасд қилишидир. (Эмиль Дюркгеймнинг 1897 йилда нашр этилган “Суиқасд” асари суицидга оид адабиётнинг классик намунасиdir. Ушбу асарда олим мавжуд статистик маълумотларга таяниб суиқасд нафақат психологик муаммо, балки ижтимоий илдизга эга хатар эканлигини исботлаган.).

Ўз жонига қасд қилиш жамиятда, одамлар орасидаги муносабатларда инсон ўзи еча олмаган ёки одатий, ҳаммага маъқул бўлган йўл орқали ечишни истамаган муаммолар борлигидан, шахсий мусибат, умидсизлик ва тушкунлик билан боғлиқ ташвиш мавжудлигидан дарак беради. Ўз жонига қасд қилишга қўпинча узоқ давом этадиган касаллик, баъзан эса ногиронлик ҳам сабаб бўлиши мумкин.



Жамиятлар тарихида ўз жонига қасд қилиш таҳкирга қарши нафрат, норозилик из-хор этиш йўлларидан бири, ўз ор-номусини тиклаш воситаси, бошқа инсонга содиқлик исботи бўлган. Масалан, Хиндистонда мавжуд бўлган «**сати**» удумига кўра тул қолган аёл

эрининг жасади ёнаётган гулханга ўзини ташлашга мажбур, акс ҳолда уни жамият нафрати умр давомида таъкиб этади.

Ўзини қасдан ҳаётдан маҳрум қи-лиш одатда, оғир руҳий оғриқ ва стресс остида азоб ва муаммоларни енгиш учун қодир эмаслигини ҳис этиш билан боғлиқ.

Улар тез-тез руҳий касалликка чалиниш, ҳиссий тартибсизликлар, руҳий тушкунлик оқибатида ҳам юз беради.

Расмий маълумотларга қараганда жаҳонда ёшлар орасида ўз жонига қасд қилиш ўтган йигирма йил давомида икки баробарга ошган.

14-24 ёшда бўлган шахсларнинг 16 фоиз бу ҳолатни бошидан кечиради, 6 фоизни ўғил болалар, 10 фоизни қиз болалар тащкил этади.

Суицидал ҳолатларнинг 90 фоизи психосоматик касалликларга чалинган шахслар томонидан, 10 фоизи бундай касалликларга чалинмаган шахслар томонидан амалга оширилади.

Баъзи мутахассислар ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг 90 фоизни ўзига эътиборни жалб қилиш билан изоҳлайдилар.

Вояга етмаганлар томонидан суицидни амалга ошириш шахсий фожеа, табиий оғатлар, умидсизлик, ўлим қўркуви таъсирида кечади.

Вояга етмаганларнинг ўз жонига қасд қилиш ҳолатларини текшириш шуни кўрсатадики, аксарият суицидлар оиласдаги келишмовчилик, ўқитувчилар, педагогларнинг қўполлиги, синфдошлари билан келишмовчилик, турли можаролар, атроф-дагиларнинг эътиборсизлиги оқибатида юз беради.

Кўп холларда ёшларнинг ўз ташвиш-ларига ота-оналар ва ўқитувчилар эътиборини жалб қилиш мақсадида журъат қилиш ва бундай даҳшатли йўлни қўполлик, бефарқлик, инсофсизлик ва шафқатсизликка қарши исён деб кўрсатадилар. Бундай қадам табиатан таъсиричан ўсмиirlар томонидан ўзини ёлғиз, кераксиз деб ҳис қилиш оқибатида турли стресслар таъсирида амалга оширилади.

Үз жонига қасд қилиш айни табиат гуллаб яшнаган даврда яъни баҳорда кўпроқ қайд этилади. Психологлар қалбдаги тушкун кайфият ва табиатнинг турфа ранглари ўртасидаги контраст, кескин фарқ бунга сабаб бўлиши мумкин, деб кўрсатадилар. Америкалик олим Томас Эллиот энг шафқатсиз ой деб апрелни кўрсатади. Суициднинг энг кўп микдори айнан апрель ойига тўғри келиши қайд этилган.

Суицидга сабаб бўлувчи асосий ижтимоий омиллар:

- ✓ парасуицид (аввал амалга ошмаган суицид таъсирида иккиламчи суицидни амалга ошириш);
- ✓ суицидиал таҳдид-лар таъсирига тушиб;
- ✓ оиласда суицид ҳола-ти қайд этилганлар;
- ✓ аутоаггрессия;
- ✓ алкогольни ичимликларни истеъмол қилувчи шахслар (жами суицидларнинг 30 фоиз);
- ✓ наркоген ва токсик моддаларни истеъмол қилувчилар (алкоголь ва наркоген моддаларни сурункали истеъмол қилиш депрессия, тушкунлик, ўзини гуноҳкор ҳис этиш кайфиятини келтириб чиқаради, яшашга бўлган мотивацияни пасайтиради.);
- ✓ оғир депрессияга чалингланлар;
- ✓ хроник ва летал оқибатли (тузалишига умид йўқ бўлган ҳолатларда) касалликлар;
- ✓ оғир йўқотишларни (ўз яқинидан, яхши кўрганидан маҳрум бўлиш ва х.) бошидан кечирганлар;
- ✓ оиласдаги турли муаммолар (зўравонликлар, можаролар, ажралишлар ва х.);
- ✓ ўсмиirlар суиқасди деб аталадиган ҳолат ёки тиббиёт тили билан айтганда, жинсий балоғат давридаги суицид.

## **Суицидиял хулқ-атвор турлари ва унинг келиб чиқиши сабаблари**

**Суицидиял хулқ-атвор** – бу суицидиял фаолликнинг – ўй-хаёллар, ниятлар, мулоҳазалар, таҳдидлар, уринишлар, ўзини ўлдиришга ҳаракат қилиш кабиларнинг юзага чиқишидир.

**Суицидиял хулқ-атвор, одатда, уч гурухга бўлинади:**  
ҳақиқий суицид;  
намойишкорона суицид;  
яширин суицид.

**Ҳақиқий суицид** одамда ўз жонига қасд қилиш учун жиддий сабаблар борлиги билан характерланади. Одатда, уни қариялар ёки ўсмиirlар амалга оширади. Бу ёш тоифасидаги кишилар бошқалардан кўра кўпроқ ўз-ўзини таҳлил ва танқид қилишга мойиллар, шунинг учун улар орасида ўзини ўзи ўлдирадиганлар кўп учрайди. Ўрта ёшдагилар ё ота-оналари, ёки фарзандлари олдида жавобгарлик ҳис қиласидилар, шунинг учун улар бундай ҳаракатларни камдан-кам содир этадилар. Суициднинг бу турида одамлар кўпинча руҳий тангликтин ҳис қиласидилар, уларда сиқилиш кайфияти кузатилади ва ҳаётнинг мазмуни қолмайди.

**Намойишкорона суицид** камдан-кам ҳолатда ўлим билан якун топади. У ўсмиirlарда, бекарор руҳий ҳолатдаги шахсларда, аёлларда кузатилади. Улар учун бу ўз ҳис-туйғуларини ифодалаш ва ўз муаммосига одамлар эътиборини қаратиш йўлидир. Улар ўлишни истамайдилар, аммо шу билан атрофдагиларни қўрқитиб кўйишга уринадилар. Одатда, улар дори-дармонлардан заҳарланишдан фойдаланадилар (аммо уларни ўлимга олиб борувчи миқдорда ичмайдилар), веналарини (кўктомирларини) кесадилар ёки ўзларини осмокчидек ҳаракат қиласидилар.

**Яширин суицид** ҳар доим ўлим билан якун топади. Одамлар беихтиёр ёки тўла англаган ҳолда ўлимга олиб борувчи экстремал вазиятларни излайдилар. Бу спорт тури, автомобилни тез ҳайдаш ёки “қайнок” нуқталарга саёҳат бўлиши мумкин.

Уларнинг тўғридан-тўғри ўзини ўлдиришга юраклари дов бермайди ва бу муаммога бошқа ечим топишга ҳаракат киладилар. Бундай сицидиал хулқ-атвор эътибор жалб килади, аммо одатда улар ўз қарорларида қатъий бўладилар ва хавф-хатар ҳақидаги гап-сўзларга эътибор бермайдилар. Инсон ўзи сабабчи бўлган ҳар қандай ўлимни ҳам ўз жонига қасд қилиш, деб бўлмайди. Рулда ухлаб қолган ва дарахтга бориб урилган инсоннинг ўзини ўзи ўлдириш нияти йўқ.

Ўз жонига қасд қилиш инсоннинг атайлаб, мақсадли ва онгли равишда ўзини ўзи ҳаётдан маҳрум қилиш актидир.

### **Сицидиал ҳатти-ҳаракатнинг диагностик белгилари**

Ўзини ўлдирмоқчи бўлганларнинг 70-75 фоизи ўз мақсадини у ёки бу тарзда ошкор қилади. Баъзан бу аранг илғанадиган ишоралар бўлиши мумкин, аммо кўпинча таҳдид осон англанадиган бўлади.

Улар ичидагини тўкиб солиш ва тингланиш имкониятини излайдилар. Аммо кўпинча уларни эшишишмайди. Агар одам ўз жонига қасд қилишга жиддий қарор қилган бўлса, одатда, буни ўзига хос қатор аломатлардан илғаб олса бўлади. Бу аломатлар

- сўз орқали ифодаланган;
- хулқ-атвор орқали ифодаланган;
- вазият орқали ифодаланган белгилар каби уч гурухга ажратиш мумкин?

Сицидни қандай пайқаш мумкин?

### **Сицидиал ҳавфи юқори референт гурух**

- девиант ва криминал хулқ-атворли ўсмиirlар;
- алкоголь ва наркоген моддалар истеъмол қиладиган ўсмиirlар;
- ўзига ўта танқидий муносабатда бўладиганлар;
- фожеа ва таҳқирловни бошидан кечирган шахслар;
- ҳаётда юқори чўққиларга эриша олмаган, орзулари амалга ошмаган шахслар;
- турли оғир касалликка чалингган инсонлар.

**Суицидиял ҳолатларда эмоционал бузилишлар қуидаги  
күринишларда намоён бўлади:**

**(1-жадвал).**

<b>Т/Р</b>	<b>Ҳолат</b>	<b>Эмоционал бузилиш</b>
<b>1</b>	<b>Ташқи кўриниш ва феъл-атвор</b>	Гипомимия Амимия Паст овозда сўзлаш Нутқнинг секинлашуви Жавобларнинг қисқалиги Жавобларнинг йўклиги Экспрессив нутқ Патетик интонация Зорланиш Ҳадиксираш Харакатнинг сустлиги Камҳаракатлик Адинамия
<b>2</b>	<b>Психологик касалликлар</b>	Депрессия Неврозлар Асоссиз қўркув Ҳадиксираш ва безовталик Маниакал-депрессив психоз Шизофрения
<b>3</b>	<b>Эмоционал бузилишлар</b>	Тушкун кайфият Саросима Жаҳлдорлик Серзардалик Танқидий муносабат Атрофдагиларга салбий муносабат Яхши яшаётганларга нисбатан нафрат туйғуси Ўзига ва атрофдагиларга бефарқ му- носабат

		Хис-туйғуларнинг йўқлиги Сабабсиз безовта бўлиш Ёмонликни кутиб яшаш Зерикиш Иштаҳанинг йўқолиши Уйкусизлик Кўп ухлаш
4	<b>Шахсий хаётини баҳолаш</b>	Ўтмишга пессимистик баҳо бериш Ўтмишда юз берган нохуш воқеаларни тез-тез эслаш Ҳозирги ҳаётини пессимистик рухда баҳолаш Келажакка оид режаларнинг йўқлиги Ўз келажагини тасаввур эта олмаслик Ўлим ҳақида кўп ўйлаш Оиласи ва дўстларидан узоқлашиш Сержаҳл ва серзарда бўлиб қолиш
5	<b>Атроф-муҳит  билан мuloқot</b>	Одамовилик, атрофдагилар билан мuloқотдан қочиши Атрофдагилар билан мuloқотда бўлишга интилиш, улардан ёрдам олишга интилиш Шифокордан маслаҳат олишга эҳтиёж сезиш Норозилик кайфияти Бўлар-бўлмасга инжиқлиқ қилиш Ўз азобларини ўта бўрттиришга интилиш

“	<b>Вегетатив касалликлар</b>	<p>Йиглоқилик Оғизнинг куруқлашиши Тахикардия Артериал қон босимини ошиши Ҳаво етишмаслиги Бош оғриғи Уйқу ритмининг бузилиши Гавда вазнининг тушиб кетиши Иштаҳанинг йўқолиши Рухиятнинг ёмонлашиши</p>
---	----------------------------------	--

Суицидга жиддий киришган шахснинг мотивларини агар сал эътиборлироқ бўлинса, унинг хатти-харакатидан пайқаш мумкин. У ҳеч қачон тўсатдан, импульсив бўлмайди, балки маълум муддат суицидолди ҳаракатлар махсули сифатида баҳоланади.

Статистика маълумотига кўра, суицидни амалга оши-рув-



чиларнинг аксарияти ўз мақсадларини у ё бу тарзда атрофдагиларга аён қилишади. Кўп ҳолларда улар ота-онасига, педагогларига, психологиярга, шифокорларга мурожаат қилишади.

Жуда кўп ҳолатларда ўз жонига қасд қилувчилар амбивалент, яъни иккиланиш кайфиятида бўлишади.

Агар ушбу азиятда атрофдагилар уларга бироз эътиборлироқ бўлиш-ганда, суицидларнинг деярли аксарияти олди олинган бўларди.

**Суициднинг энг кўп тарқалган шакллари:**

- доривор моддалардан заҳарланиш;
- майший химия билан заҳарланиш;
- вена томирларини кесиш;
- ўзини осиш;
- сувда чўкиш;
- баландликдан ўзини ташлаш;
- фатал натижа билан якун топадиган;
- йўл-транспорт ҳодисалари

### **Суициднинг олдини олиш бўйича профилактик тадбирлар**

Суицидга элтувчи психологик ва ижтимоий аспектларни билиш, ушбу йўналишда профилактик ва превентив (лотинча «*praevenire*» – олдини олиш) тадбирларни тўғри ташкил этиш уни олдини олишга ёрдам беради.

Ўз жонига қасд қилиш тўсатдан юз бермайди: суицидга мойил ўқувчилар атрофдагиларни ўз ниятидан анча очик огоҳлантиришади ва тегишли чораларни кўриш учун кўп имконият қолдиришади.

Ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш учун таълим муассасаларида қуйидаги стратегик профилактик тадбирлар амалга оширилиши зарур:

- шахсиятида бузилиш бўлган ўқувчиларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни психологик ёрдам билан таъминлаш;
- болалар ва ўсмирларни тушуниш, ёрдам кўрсатиш, рухий изтиробларни енгиллатишга сидқидилдан ҳаракат қилган ҳолда улар билан самимий сухбатлар ўтказиш;
- кузатувчан бўлиш ва суицидга оид ният, гап-сўзлар ва хулқ-атвордаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш;
- дарсларни ёмон ўзлаштирадиган ўқувчиларга ўқища ёрдам кўрсатиш;
- давомат ва дарс қолдиришларни назорат қилиш;

► ўз жонига қасд қилишга сабаб бўладиган воситалар – захарли моддалар, хавфли дори-дармонлар, хавфли қуроллардан фойдаланиши чеклаш бўйича тадбирларни ўтказиш;

► ўқитувчилар ва мактабнинг бошқа ходимларига иш жойларида стрессни енгишда кўмак кўрсатиш;

► руҳий қасалликка чалинган, спиртли ичимлик ва гиёҳванд моддаларни истеъмол қилган ўқувчиларни ўз вактида даволанишга йўллаш.

Социологлар суицидни ижтимоий танглиknинг баро-метри сифатида баҳолайдилар.

Психологлар эса унга шахсга тазиқнинг маҳсули сифатида қарайдилар.

Мутахассислар ҳар иккала ҳолатда ҳам суицид яшашига бўлган қизиқишининг кескин тушиб кетиши натижасида юзага келишини тан оладилар.

Суицидентларга ёрдам бериш учун нима қилмоқ керак?

**1. Суицидал превенция нафақат атрофдагиларга эътиборли бўлиш, балки мавжуд таҳдидларни олдини ола билиш ҳам демакдир.** Суицидал таҳдид депрессив ҳолатлар, тушкун кайфият, шахс феъл-атворидаги кескин ўзгаришлар, ёлғизлик, ёрдамга муҳтоҷлик шаклларида намоён бўлади. Бу белгиларнинг барчаси суицид эҳтимолидан дарак беради.

**2. Суицидентни (суицид содир этувчини) шахс сифатида қабул қилинг.** Муайян шахс суицидни амалга ошира олмайди деб ўйламаслик керак. Мавжуд хавфни сездингизми, тезкорлик билан ёрдам беришга шошилинг.

**3. Ўзаро ёрдам муносабатларини ўрнатинг.**

Ж у д а кўп нарса ўзаро муносабатларни тўғри ўрнатишга боғлиқ. Ўз ҳайриҳоҳлигинизни новербал эмпатия (яъни, хатти-харакатларингиз) орқали билдиришга ўрганинг.

**4. Насиҳат ўқигандан кўра руҳий мадад 10 чандон афзалроқ.** Агар шахс ўзини кераксиз хис қилса ғамхўрлик кўрсатиш ва руҳий мадад жуда катта ёрдам беради.

**5. Диққат билан тингланг.** Суицидентлар ёлғизликни ҳис киладилар. Улар сизнинг маслаҳатингизга қулоқ солишига мойил бўлмайдилар. Балки уларни эшитишларини хоҳлайдилар. Суицид содир қилмоқчи бўлган инсон қалбини азобга солаётган оғриқдан ҳолос бўлмоқчи бўлади, аммо бунинг чорасини топа олмайди. Бундай вазиятда имкон қадар эътиборли бўлишга, уни эшитишга ҳаракат қилиш керак.

**6. Баҳслашманг.** Суицидал таҳдидга дуч келган баъзи инсонлар, ота-оналар, қариндошлар, яқинлари кўпинча шундай дейишади: “Ўйлаб кўргин, ахир сен кўп одамлардан баҳтли яшаяпсан. Ношукур бўлма”. Бундай шарҳлар тескари эффект ҳолатини юзага келтиради ва шахсда янада кучлироқ тушкунлик кайфиятини туғдиради. Баъзи ҳолларда “оилангга, зотингга қандай иснод олиб келишингни ўйлаб кўрдингми?” деган жавобни эшитиш мумкин. Суицидент эса айнан шу мақсадни кўзда тутган бўлиши мумкин.

**7. Саволлар беринг.** Сен суицид ҳақида ўйламаяпсанми? дегандан кўра, сен суицид ҳақида ўйлайпсанми? деган саволни берган ўринлироқ. Бунда суицидент у ҳақида кимdir қайфураётганини англайди ва енгиллик ҳис қиласди.

**8. Суицидентнинг иззат-нафсиға тегманг.** Саволларни тўғри шакллантириинг. “Бошқаларнинг муаммоси сеникидан ҳам кўпроқ” деган фикр суицидентни янада мақсади томон шошилтиради, чунки у ўзини янада ёлғизроқ ҳис этади ва уни ҳеч ким тушунмаслигига ишонч ҳосил қиласди.

**9. Конструктив ечимлар таклиф қилинг.** Бу яқин-ларингга қанчалик кулфат олиб келишини ўйлаб кўрдингми? дегандан кўра унга унинг ҳаёлига келмаган альтернатив йўллар таклиф килган самаралироқ.

Суицид профилактикасида психологик дискомфортга олиб келган ҳолатни аниқлаш яхши самара беради. Қуийидағи саволлар вазиятни аниқлаштиришга ҳизмат қиласди:

Сизнинг ҳаётингизда қандай ўзгаришлар юз берди?

Сиз қачон ўзингизни ёлғиз ҳис эта бошладингиз?

Бу ўзгаришлар туфайли ҳаётингизда қандай воқеалар юз берди? Ушбу ўзгаришлар ким билан боғлиқ? ва х.к.

Суицидга қарор қылган одамни у ўз түйгулари ҳақида бемалол гапириши мумкинлигига ва уни тушуна олиш-ларига ишонтириш лозим. Токи у ҳеч тортингасдан ўз қайғуси, нафрати ёки бошқа түйғусини ошкор эта олсин.

**10. Умид үйғотинг.** Муаммолар ҳал қилиш мумкинлигига умид үйғота олиш лозим. Умид түйғуси инсонни ҳали ҳам-маси йўқотилмаганлигига ишонч үйғотади ва яшашга ёрдам беради. Умидсизлик эса нажотсизлик кайфиятини туғдиради. Яхудийларни бутунлай қириб ташлашга қаратилган инсоният тарихида “холокост” деб ном олган даврда ҳар ойда суицидлар сони 350 тага етган. Инсонлар концлагерлар (Иккинчи жаҳон уруши даврида нацистлар томонидан сиёсий маҳбуслар, тутқинларни сақлаб туриш учун маҳсус ташкил этилган оммавий қирғин марказлари) га тушиб қолишдан кўра ўз жонига қасд қилишни афзал билганлар. Муносиб келажакка бўлган умиднинг йўқолиши суицидни келтириб чиқарадиган сабаблардан биридир.

Умид йўқотилган нарсаларни қайтаришга бесамар уринишдан эмас, балки ҳаётни давом эттиришга куч топишдан уйғонади. Ўта ёмон вазиятда ҳаммаси яхши бўлади дейишдан маъно йўқ.



**11. Суицидал ҳавф юқори бўлган ҳолатларда шахсни ёлғизлатиб қўйманг.** Ҳавф бартараф бўлгунча унинг ёнида бўлишга, ҳаракат қилинг.

**12.Мутахассисларга мурожаат қилинг.** Суицидентлар

ўз муаммоларини ечишга қодир эмаслар. Шифокор ёрдами ўта муҳим. Тинчланти-рувчи препаратлар, депрессив ҳолатни камайтирувчи воси-талар бу – юриш мумкин. Психологнинг ёрдами ўта бекиёс. Психологлар шахснинг энг нозик туйғу ва

кечинмаларини тушунишга, унинг кузатувларини, ташвишга колаётган ўй-фикрларини англашга қодир.

Суицид бартараф бўлгандан кейинги реабилитация даври ўта нозик эътиборни талаб қиласди. Суицидент ҳаётга тўлик реабилитация бўлгунга қадар назоратда бўлиши керак.

### **Суицидент беморларнинг социометрик картограммаси**

- Паспорт маълумотлари
  - Ёши
  - Касаллик тарихи
  - Оилавий аҳволи
  - Иш жойи ва лавозими
  - Анамнез
  - Руҳий касалликларнинг мавжудлиги
  - Қариндошлари руҳий касалликка чалинганми?
  - Авлодида алкоголизмга чалинганлар борми?
  - Аввал ҳам суицид ҳаракати бўлганми?
  - Оила таркиби
  - Ижтимоий келиб чиқиши
  - Ота - онасининг шахсий сифатлари
  - Она (мехрибон, агресив ва б.)
  - Ота (севувчи, меҳрибон, ғамхўр ва б.)
  - Оилада лидерлик
  - Оилавий низоларнинг мавжудлиги
- Тарбиядаги нуқсонлар(гиперпротекция, шафқатсизлик ва б.)
- Таълим олишга бўлган мотивация
  - Синфдаги мавқе
  - Ёшлиар ўртасидаги субмаданий гурухларга аъзолик
  - Хукуқбузарлик ҳолатларига йўл қўйганми?
  - Алкоголь, наркоген моддаларни истеъмол қилиш
  - Шахснинг характер хусусиятлари
  - Эмоционал, таъсиричан, стрессга чидамли ва х.
  - Шахснинг характер хусусиятлари
  - Ўтмишда суицидал ҳаракатлар бўлганми?

## **Суициднинг олдини олиш бўйича услубий тавсиялар**

Болаларда суицидал хулқ-атвор аломатларини кўрганда қандай чоралар кўриши мумкин?

Суицидга мойил ёшлар одатда тўғридан-тўғри ёрдам излашмайди: шунга қарамай, уларнинг ота-оналари, муассаса маъмурияти ёки тенгдошлари огоҳлантирувчи аломатларни аниқлаши ва ўсмирни сақлаб қолиш учун қандайдир чораларни кўриши мумкин.

Инсонга қулоқ тутиш орқали унинг ҳаётини сақлаб қолиш мумкин! Агар сиз ўз жонига қасд қилмоқчи бўлган бирорта одамни билсангиз ёки “унда суицидга мойиллик бор” деган гумонда бўлсангиз, у ҳолда, ҳаётини сақлаб қолишда унга ёрдам беришингиз мумкин, бунинг учун шунчаки унинг айтганларига қулоқ тутинг! Ўзини ўлдиришга ҷоғланган одамлар кўпинча “менинг ҳеч кимга керагим йўқ”, “менинг бошқа иложим йўқ” ва “мен ҳақимда ҳеч ким қайғурмайди” деб ўйладилар.

Одамларни тинглаш орқали улар билан содир бўлаётган ҳодисаларга ва содир бўлиши мумкин бўлган нарсаларга бефарқ эмаслигимизни намоён этамиз.

Ота-оналар муассаса маъмурияти ёки ижтимоий марказларга иложи борича тезроқ ёрдам сўраб, мурожаат қилишлари керак.

Шунингдек, таълим муассасаси маъмурияти ва психологи бундай ўқувчиларни доимий равишда кузатиб бориши ҳамда парасуицидал ҳолатдан тўла чиқиб кетгунча улар билан бирга бўлиши лозим.

### **Суицидал хулқ-атвор аломатлари кузатилганда қўйидаги дастлабки қадамларни қўйиш лозим:**

- осойишталикни сақлаш;
- бу одамнинг хотиржамлиги ҳақида қайгуриши;
- уни бошдан-оёқ тинглаш;
- ёрдам албатта берилиши мумкинлиги ва доимо ҳам ўзини бундай ҳис қилмаслигига уни ишонтириши;

- *сўроқ қилиб, қораламаслик;*
- *уларни доимий равшида кузатиб юриши, уларни бу ҳолда ёлгиз ташлаб қўймаслик;*
- *танаға шикаст етказиши мумкин бўлган воситаларни кўздан панароқ жойга олиб қўйши;*
- *ёрдам сўраб, мурожсаат қилиши.*

## **Нима қилмаслик керак?**

- азият чекаётган одам муаммоларини “йўл-йўлакай” ҳал қилишга уринмаслик;
- сиздан сўрашмаган маслаҳатларни бермаслик;
- инсоннинг ҳиссиётлари ноўрин ва аҳамиятсиз экани ҳақида гапирмаслик (масалан, “бу арзимаган нарса” дея гапирмаслик);
- шахсий муаммолар ҳақида гапирмаслик (бу каби йўл пессимитик кайфиятни кучайтириши мумкин).

Таълим муассасаларида ўзини ўлдиришга уриниш ёки ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари ҳақида маъмурият, айниқса, ўқитувчилар ҳамда ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарини ҳабардор қилиш бўйича маҳсус йўриқномалар бўлиши лозим. Бу чоралар ўз жонига қасд қилиш кластеризациясининг, яъни “юқувчанлик эффиқти” юзага келишининг олдини олишга қаратилган. Ўз жонига қасд қилган одамга мутлақо нотаниш бўлган ўсмир йигит ва қизлар ҳам бу одамнинг хатти-ҳаракатига тақлид қилиши ва пировардида улар ҳам жонига қасд қилишлари мумкин.

Муассаса ходимлари бошқа ўқувчиларга нисбатан хуш-ёрликни оширишлари учун ўз жонига қасд қилиш ҳолати ёки суицидал уриниш ҳақида эҳтиёткорлик билан, аммо объектив тарзда ота-оналарни ҳабардор қилишлари керак.

Дастлабки хатти-харакат бир инсон ҳәётини сақлаб қолиши мүмкін.

Инсоннинг ўз ихтиёри билан ҳәётдан күз юмиши, албатта, унинг ўнглаб бўлмас шахсий фожиасидир. Гарчи ўз жонига қасд қилувчилар орасида тубанликка юз тутган, спиртли ичимлик ва наркотикка ружу қўйган, шунчаки руҳий касал бўлган инсонлар кўп бўлса-да, энг аввало, орамиздан виждонли, ор-номусини, инсоний қадр-қимматини сақлаб қолган инсонлар кетмоқда.

Инсонни сўнгги ҳад олдида амаллаб тўхтатиб қолиш учун бирор иш қилиш мүмкінми? Мумкин.

Инсонларнинг яшаш шароитини ўзгартириш орқали.

Ҳар бир инсонга тенг имкониятлар берилган ҳақида адоқсиз гапларни бас қилиб, ўша имкониятларни таъминлаб берувчи реал шарт-шароит яратиш орқали.

Инсон ўз мамлакати, ўз кўчаси, ўз уйида ўзини ҳимояланган ҳис қилишига эришиш орқали.

Ўз жонига қасд қилиш одамлар бир-бирига эътибор бермай яшаётгани ва бу ҳолат кенгайиб бораётганининг далолатидир. Инсоннинг дунё билан алоқаси заифлашиб қолган пайтда кимдир ўша бўшлиқни ичкилик билан, кимдир наркотик билан тўлдиришга уринади, учинчи одам эса энди бу дунёга керак бўлмай қолгани ҳақида ўйлай бошлайди. Ва уни тарқ этади. Бу йўқотишнинг ўрнини тўлдириб бўлмайди, ахир ҳар бир одам ортидан бутун Коинот қайтмас бўлиб йўқликка кетади.

Инсонларнинг кўпчилиги одам тўла бу оламда ўзларини якка-ёлғиз ҳис қилгани учун ҳәётни тарқ этади.

Одатда, ўз жонига қасд қилишга олиб келувчи ўткир аҳлоқий бўхронни бошидан кечираётган одамлар чор-атрофдагилар эътиборига ўта муҳтож бўладилар.

## **Девиант феъл-атворли болалар ва ўсмирлар томонидан содир этилаётган ноқонуний хатти- харакатларнинг ижтимоий илдизлари**

Маълумки, оилавий тарбия инсон камолотида муҳим ўрин тутади. Оиланинг болаларга тарбиявий таъсир доираси ижтимоий таъсир доираси сингари ўта кенгdir. Оила Ватанга муҳаббат, ота-она ва атрофдагиларга садоқат каби юксак ахлоқий ва маънавий сифатларни шакллантиришда, турмушга, ижтимоий фаолиятга нисбатан психологик ва амалий жиҳатдан тайёрлашда катта имкониятларга эгадир.

Бироқ кейинги йилларда оиласда фарзандларимизни тарбиялашда, уларни камол топтиришда бир қатор муаммолар, нуқсонларга дуч келинмоқда. Табиийки, ушбу муаммолар болалар ва ўсмирлар хулқ-атворига, шахс сифатида шаклланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Кузатишларга қараганда, кейинги йилларда оиласларда турли хил сабабларга кўра, хусусан кишиларда кундалик турмуш ташвишларига барҳам бериш, қийинчиликларни енгib ўтиш ва келажакка нисбатан янгича қараш лаёқатининг етишмаслиги ва шу кабилар оиласда фарзандлар тарбиясига эътиборнинг бироз сусайишига сабаб бўлиб, ота-оналар фарзандлари билан кам мuloқотда бўлишига тўғри келмоқда.

Шахснинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамоллиги ижтимоий турмушда вужудга келган турли хил низоли вазиятлардан чиқиб кетишига ёрдам беради.

Маънавий-ахлоқий жиҳатдан суст ривожланганлик ва шахсадаги ўзига хос хусусиятлар (ўзгарувчан характерлилик, кўзғалувчанлик, бекарорлик, хиссиётга бериувчанлик, тобелик, журъатсизлик ва бошқалар) эса болалар ва ўсмирларда девиант хулқнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Ота-оналарнинг оиласда фарзандлари билан қилаётган муномала ва муносабатлари кўринишлари болалар ва ўсмир-

ларда хулқ оғишининг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Оилада қаҳр-ғазаб асосидаги ота-она муносабати бола-ларни уйдан бездиради. Уйдан безиш, оила муҳитини тан олмаслик ўсмирларда оиласи мухитга нисбатан деформациялашувни келтириб чиқаради. Натижада ўсмир оиладан ташқари кўча муҳитини ўзига маъқул кўради. Кўча муҳити эса баъзан криминал мазмунга эга бўлиши мумкин. Натижада ноахлоқий ва ғайриқонуний хулқ-атвор мухитига тушиб қолган ўсмирда хулқ оғишининг келиб чиқиши учун имконият яратилади.

Ота-оналарнинг қаҳр-ғазаб асосидаги муносабати болалар ва ўсмирларда салбий характер хислатларининг хусусан, кўркоқлик, тобелик, асабийлик, ҳиссиётларга берилувчанлик ва мустақил тафаккурнинг сустлиги кабиларнинг шаклланишига олиб келади. Кўркоқ, тобе болалар ва ўсмирлардаги асабийлик, кўзғалувчанлик ва ҳиссиётларга берилувчанлик вазиятларнинг чигаллашувига, муаммоли вазиятлардан чиқиб кетиш йўлларини нотўғри қўллашга олиб келади.

Ота-оналарнинг фарзандлари ҳаёти ва фаолияти билан қизиқмасликлари, уларни назоратсиз қолдиришлари ҳам ўсмири ғайриқонуний хулқ-атвортага олиб келади. Шунинг учун ота-оналар фарзандларининг айниқса, ўсмирлик ёши давридаги фаолиятларини, бўш вақтларида нималар билан шуғулланаётганликларини домий равишда назорат қилиб боришлари мақсадга мувофиқдир.

Вояга етмаганларда девиант феъл-атвортининг келиб чиқишига сабаб бўлувчи оиласи тарбияга боғлик бўлган омиллардан яна бири оиласи тарбияда ўта қаттиққўллик, авторитар ёндашув, болаларнинг фикр ва қараашларини инобатга олмаслиқдир. Бугунги ёшлар мустақил фикрлашга интиливчан, ўз қараашларига эга бўлган, ақлан етук ёшлардир. Ёшлар билан ҳисоблашиш, уларнинг фикр ва мулоҳазаларини эшлитиш, керакли жойларда маслаҳат бериш яхши натижалар беради.

Оилавий тарбияда қўполлиқ, андишасизлик, ҳақорат, дўқпўписа ва жисмоний жазолаш сингари усуллардан фойдаланиш кўпинча болалар ва ўсмирларнинг уйдан қочишига олиб келади.

Бундай болалар оила муҳитига нисбатан ижтимоий психологик дезадаптацияланиш жараёнига дуч келадилар. Оқибатда бола ўзига маъқұл бўлган оиласдан ташкари гуруҳ ёки кўча муҳитини қабул қиласди. Бу муҳит ўзининг характеристига кўра, болага салбий ёки ижобий таъсир қилиши мумкин. Афсуски, носоғлом муҳит психологиясига эга бўлган кўча муҳити бола-ларга кўп ҳолатларда салбий таъсир кўрсатади.



Вояга етмаганларда де-виант ахлоқ, хулқ оғиши ва тарбия бузилишининг келиб чиқишига таъсир этувчи яна бир омил ота-оналарда фарзандлар тарбиясига доир билимларнинг етарли эмаслигидир.

Ота-оналар баъзан фарзандларига ўта даражада меҳр қўядилар. Уларни асраб авайлайдилар, эъзозлайдилар. Айтган ёки истаган нарсаларни муҳайё қилишга интиладилар. Ота-онаси томонидан кўрсатилаётган бундай муносабат натижасида болада манманлик, бирвларни менсимаслик, меҳнатнинг қадрига етмаслик, сабрсизлик каби салбий хислатлар пайдо бўлади. Бундай хислатларга эга бўлган болаларда ўзбек халқига хос бўлган шукроналик, меҳнатсеварлик, олийжаноблик, ўзгаларга ҳурмат хислатлари шаклланмайди.

Бугунги кунда ўзбек оилаларида мавжуд бўлган тарбиядаги нуқсонлардан яна бири ота-оналарнинг чеклаш, рад этиш, тақиқлаш, рухсат этмаслик асосидаги тарбиялаш усулидир. Бу хилдаги тарбия усулида болаларнинг иродаси, хоҳиш-истаги,

ўй-хаёллари, орзу ва интилишлари, фикр ва муроҳазалари инобатга олинмайди.

Шунингдек, бундай тарбия усулида болаларга ўз фикр муроҳазаларини очиқча баён этиш, мустақил қарорларга келиш ва муайян вазиятларга ўз нуқтаи назарини билдириш имконияти чекланади. Бола-нинг тафаккури, қизиқиши, эркинлигини ҳурмат қиласлик мустақил фикр юритиш қобилиятининг суст ривожланиши, тортичоқлик, ўз фикр-муроҳазаларини баён эта олмаслик, тобелик, кўрқоқлик ва журъатсизлик каби салбий хислатларни келтириб чиқаради. Журъатсиз, тобе, тортичоқ болада фаоллик ва ўз-ўзига ишонч ҳисси етишмайди. Шунингдек, уларда нутқнинг суст ривожланиши ҳолати хам кузатилади. Бундай болалар бутун умр давомида бирорларга тебе бўлиб яшайдилар. Уларда раҳбарлик, бошқарувчанлик қобилиятлари ўта паст ривожланган бўлади.

Ҳозирда ўзбек оиласарида берилаётган тарбия нуқсонларидан яна бири оиласвий тарбияда миллий қадриятларимиздан, яъни мифология, эртак, мақол, ривоят ва ҳадис илмидан етарлича фойдаланилмаётганлигидир. Миллий қадриятларимиз, халқ оғзаки ижоди дурдоналари, ривоятлар ва ҳадис илми болаларда яхшилик, олийжаноблик, хуш хулқлилик хислатларининг шаклланишига хизмат қилишлиги ҳаммага аён. Маънавий-ахлоқий жиҳатдан суст ривожланганлик ва шахс типидаги ўзига хос хусусиятлар (ўзгарувчан характерлилик, қўзғалувчанлик, бекарорлик, ҳиссиётга берилувчанлик, тобелик, журъатсизлик ва бошқалар) эса болалар ва ўсмирларда хулқ оғишининг келиб чиқишига сабаб бўлади.

## **ДЕВИАНТ ФЕЛЬ-АТВОРЛИ БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ТАРБИЯВИЙ ТАДБИРЛАР САМАРАДОРЛИГИ ОМИЛЛАРИ**

Таълим муассасаларида хулқ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирлар ўртасида олиб бориладиган тарбиявий тадбирларнинг самарадорлиги уларда фаол ҳаётий позицияни шакллантириш, ўқувчи ва ўқитувчи ўртасида ўзаро яқинлик ва соғлом муносабатни ўрнатишгабоғ-лиқдир. Шунинг учун ўқитувчининг бераётган эъти-борини, уларни ўзларига яқин олаётганлигини ва ёрдам бермоқчи бўлаётганлигини ўсмир ҳар доим ҳис қилиб туриши муҳим ҳисобланади.

Болаларга профилактик таъсир кўрсатишда ўсмирнинг



шахс сифатидаги шаклланиши жа-раёнини, унинг ўзига хос хусусиятларини, характер хислатлари ва психологиясини ҳисобга олган ҳолда иш тутиш яхши натижা беришини унутмаслик лозим. Бунда қуидаги омилларга эътибор бериш зарур.

Болалар ва ўсмирларда хулқ оғиши-нинг олдини олиш нинг муҳим шартларидан бири тарбиявий жараёнда таъ-лим муассасаси ва оила ҳамкорлигини тўғри йўлга қўйиш-дир. Кўпинча оила ва муассаса ҳамкорлиги, ота-она ва ўқитувчи

ўртасидаги ўзаро алоқанинг узилиши туфайли болалар ва ўсмирлар тарбиясини, айниқса, улар хулқидаги ўзгаришларни тузатиш анча қийин кечади.

Ёшлар билан олиб бориладиган таълим-тарбия иш-ларининг муваффақияти уларнинг ёшга оид ва психологик хусусиятларини билиш ҳамда ҳисобга олишга боғлиқдир.

Бу ҳолат энг нозик давр ҳисобланган ўсмирик даврининг алоҳида хусусияти бўлиб, у қўпроқ шу даврга тааллуқлидир. Ўсмирик даврини ўтиш даври, деб юритадилар, чунки ана шу даврда болалиқдан катталик ҳолатига ўзига хос ўтиш даври юзага келади. Бу жараёнлар бола руҳий фаолиятининг жиддий равишда қайта қурилиши билан боғлиқдир.

Болаларнинг экспрессив-эмоционал хусусиятларини билиш ҳам уларни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Ёшлар билан индивидуал муносабатда уларнинг қанчалик эмоционаллиги, ҳиссиётга берилувчанлигини, аффектга мойил ёки мойил эмаслигини, ўз ҳиссиётини тута олишолмаслигини ва шунингдек, унда қандай ҳислар устун эканлигини билиш жуда муҳимдир.

Катталар ҳар бир боланинг қанчалик тўғрисўзлигини, меҳнатсеварлигини, виждонлилигини, дўстлик ва ҳамкорликни қанчалик ҳис қилишини кузатиб, билиб бориши зарур.

Салбий ахлоқий сифатларга эга бўлган ёшларда тажанг-лик, қўполлик, ёлғончилик, безорилик, эгоизм, қайсарлик, ўжарлик, интизомсизлик, қоидаларга риоя қилмаслик, ўзбилармончилик кабилар кузатилади ва бундай хис-латларга эга бўлган ёшларни тарбиялашда индивидуал ёндашув лозим. Чунки улар жамоа ёки кўпчилик орасида ўзларининг айбларини ошкор бўлишини ёки тарбия, танбех бераётган кишининг насиҳат ёки кўрсатмаларига бўйсунишни ёқтирумайдилар, улар билан муносабатда ниҳоятда эҳтиёткорлик, самимийлик, дўстона муносабатда бўлиш талаб қилинади.

Ёшлар билан ишлашда уларнинг характери, қизиқишилари, шахсий хусусиятлари эътиборга олиниши лозим. Кўп насиҳат қилмаслик, уришмаслик, овозини баланд кўтармаслик, кўп гапирмаслик мақсадга мувофиқ. Ўзаро самимий муносабат, шахсий намуна, оила ва муассасадаги кишиларнинг ишга ижобий муносабатигина ёшларда шундай бўлишга ҳавас туғдиради.

Ўсмирларинг хатти-харакатларини ижобий йўналишга буриб юбориш учун уларда масъулият, ғурур, жавобгарлик, ишонч каби юксак ҳисларни таркиб топтириш лозим. Бунинг учун уларга ёши, кучи, қобилияти ва қизиқишиларини ҳисобга олиб, топшириқлар бериш айни муддаодир.

Уларни ўзлари қизиқкан тўғаракларга жалб қилиш яхши натижалар беради.

Энг муҳими шундаки, тарбияланувчиларга ишониш керак. Уларнинг қўлидан келадиган ишларга эътиборли бўлиб, уни бажарганидан кейин рағбатлантириш, уни ишни яна ҳам яхши бажаришда ўз фикрларини баён қилиш ҳам муҳимдир.

Ёшларни беъмани ҳордиқ чиқариш ва қўча-кўйда мақсадсиз юришларига йўл қўймаслик лозим. Бунинг учун мактаб, маҳалла, жамоатчилик ва оила ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, болаларни иложи борича мактабдан ташқари муассасаларга жалб этиш чора-тадбирларини қўллаш керак.

Ушбу жараёнларда маҳалла фаоллари, таълим муассасаси психологлари, педагоглар ва кенг жамоатчиликнинг ишти-рок этишини таъминлаш керак.

Таълим муассасасида педагоглар психологлар билан ҳамкорликда ўқувчиларда энг яхши инсоний фазилатларни ривожлантириш, уларда ўзига ишонч, ўз хулқини яхшилаш мотивларини қуидаги йўналишларда шакллантиришлари зарур:

- болаларни ўз хулқ-атворини ўзи баҳолашга ўргатиш;
- ўқувчиларнинг ижобий хатти-харакат қилишларини мунтазам назоратга олиш ва уларга ишониш;

- оиласа, муассасада болаларнинг олдига қўйилган вазифаларни бажаришда эришган ютуқларини рағбат-лантириш;
- тарбия беришнинг оптимал стратегиясини аниқлаш;
- ўқувчиларга индивидуал ёндашув ҳар бирiga аниқ маҳсус педагогик таъсир ўтказиш;
- тарбиявий таъсирнинг болани ҳар томонлама ривож-лантиришга йўналтириш;
- дарсдан ташқари фаолиятларда болаларга мустақил фаолият (ўқиш, ўйин, меҳнат, хобби ва қизиқишилари)ни танлаш учун имконият бериш;
- ҳар бир бола учун уларни ақлан ҳамда ахлоқан ривожланишига йўналтирилган тарбиявий ишларни ташкил этиш;
- ота-оналар билан ишлаш жараёнида худудий “Оила марказ”лари, маҳалла фуқаролар йигини ва шифокорлар билан ҳамкорлик қилиш.

## “Кўк кит” ўйини ва унинг даҳшатли асоратлари

Кейинли пайтда ижтимоий тармоқларнинг турли сегментларида яшин тезлигига оммалашишга ултурган ва кўплаб мунозараларга сабаб бўлган “Кўк кит”, “Тинч уй”, “F57”, “WinX”, “Югурасан ёки ўласан” ва бошқа ўйинлар ҳали вояга етмаган ўсмиirlарни ўз домига тортмоқда. “Инстаграм”, “В Контакте” ижтимоий тармоғидаги гурухларда эллик кун мобайнида элликта шартларни бажариш талаб қилинадиган бу ўйин охири ўйинчининг ўз жонига қасд қилиш ҳодисаси билан якунланади. Ўйин қоидасига кўра, иштирокчи шартларни эрталаб 4:20 да тармоққа кириб, қабул қилиб олади. Аввалига, оқ қоғозга кўк кит суратини чизишдан бошлаб, кейин ана шундай суратларни танага чизиш керак бўлади. Иштирокчи вазифаларни бажарганининг исботи сифатида суратга тушиб, гурух

б о ш қ а р у в ч и с и г а  
кўрсатиши керак.

Дастлаб “Кўк кит” ўйини 2015 йил пайдо бўлган. Рина Поленко ва исмли ўсмир ўзини Уссурийскда поезд остига ташлагани тасвирланган фотосурат интернет тармоғида катта ғалваларга сабаб бўлгач, у ҳақда кўп гапира бошланди.

2016 йил ноябрь ойида ўсмиirlар орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолати бир мунча кўпайган пайтда, квестларни яратувчиси Филипп Лис шахси аниқланиб, асли исми Филипп Будейкин бўлган ўспирин Россия Федерал Хавфсизлик хизмати томонидан кўлга олинган эди.

«Кўк кит» реал хаётда олиб бориладиган ўйин бўлиб, унинг



якунида ўйновчига ўз жонига қасд қилиш топшириғи берилади. Ўйин иштирокчиси топшириқни ижтимоий тармоқдаги «ўлим гурухи»даги номаълум «куратор» (йўналтирувчи)дан олиб туради.

Афсуски, манфур мақсадли кимсалар, турли ижтимоий тармоқлар орқали ёш болалар ва ўсмиirlарни шу турдаги ўйинларга жалб қилиб, сўз, видео, расм, мусика, турли хилдаги караҳт қилувчи овозлар орқали уларни тушкунлик ҳолатига тушириб қўймоқда. Натижада, болалар бу ўйиндаги “қўғирчоқлар”га айланиб, ҳаттоки, ўз жонларига қасд қилишгача бормоқда.

Бу каби ўйинларни ўйнаш учун ижтимоий тармоқ ва мессенжерлардаги айрим гурухларга қўшилиш лозим. Аъзо бўлиш ёши ҳам чекланган бўлиб, фақат мактаб ёшидаги ўспириналар қўшила олади. Бу каби гурухларда, асосан, тушкунлик, ҳаётнинг оғирлиги, яшаш қийинлиги, адолатсизлик, яхши қўрган инсонидан ажралиб қолиш, етишмовчилик ва шу каби мавзуларда, асосан салбий суҳбатлар уюштирилиб борилади. Бу турдаги мавзулар атрофидаги суҳбатлар, ўйинлар, видеолар, сурат ва қўшиклар, табиийки, одамни тушкунлик ҳолатига тушириб қўяди. Гуруҳ аъзоси бора-бора уларни қўриб яшагиси келмай қолади.

Аъзо бўлғанларга турли топшириқлар берилади, бажарилишига қараб саралангач, кимдир ўйиндан чиқарилади, топшириқни бажаргандар эса кейинги босқичга ўтади. Шу тариқа 50 кун давомида турли хилдаги топшириқлар берилади: китни расмини чизиш, уни қўлига тиф ёрдамида ўйиб чизиб расмга ёки видеога олиб суратини юбориш ва шу тариқа ўзини юкори қаватдан ташлаш, томирини кесиш ёки осиш каби топшириқлар кетма-кет берилади. Агар ўйинчи ўзини ўлдиришдан бош торса, уни яқинлари ва ота-онасини ўлдириб кетиш билан таҳдид қилишади ва унинг манзилини аниқ ёзиб юборишади. Ўсмир эса, ҳақиқатан ҳам, уни кузатиштаётганига, агар ўзини ўлдирмаса,

яқинларига мусибат етишига ишонади, сўнг жонига қасд қилади.

Дастлабки очилган гуруҳ ёпилиб, унинг асосчиси Филипп Лис билан суриштирув ишлари олиб борилганда, у бу ўйинни шунчаки унинг гуруҳига обуначиларнинг сони кўп бўлишини хоҳлагани учун очганини айтган. Шифокорлар томонидан руҳий касал деб ташхис қўйилгани сабабли, унга бор йўғи бир йиллик қамоқ жазоси тайин этилган.

Бугунги кунда ўйин нафақат Россия, балки бошқа мамлакатларда, Марказий Осиё ҳудудида ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Россия ОАВ берган хабарга кўра, бугунги кунга келиб, бу ўйинлар сабабли 230 нафар ўсмири ҳаётдан кўз юмган.

Яна бир ўйиннинг номи “Югурасан ёки ўласан” бўлиб, Россияда бугунги кунда ҳайдовчилар ўртасида ваҳима билан репост даражасига етган постлардан биридир. Унда ўқувчи ёшлар қилаётган ишларини телефонга муҳрлаб олар экан. Йўлда харакатланаётган машина яқинлашганда ўқувчи йўлни кесиб югуриб ўтади, омади келиб қолса тирик қолади.

Эллик кун мобайнида эллик шартни бажаришни талаб қиладиган бу ўйин охири иштирокчининг ўз жонига қасд қилиш ҳодисаси билан якунланадиган “Кўк кит” ўйини қаердан «илдиз отди» ва айнан нега шундай ном билан аталди, деган савол барчани ўйлантириши табиий.

Маълумотларга кўра, кўк китлар соҳилга яқин келиб, ўз жонларига қасд қилишар экан. Ўйинни бошлаган ўсмирлар ўзларининг флешмоб кодлари остига «Мен ўйиндаман. Кўрсатмаларни кутяпман» деб ёзишган. Уларнинг аксари тафаккурининг сустлиги, қизиқувчалиги, маънавий иммунитети пастлиги, руҳиятидаги ожизлик сабаб ўйинга бош суқиб, фожиали ҳалокат тўрига илиниб қолган.

ОАВда «ўлим гурухлари» деб ном олган бундай гурухлар асосан мактаб ёшидаги болаларни жалб қилишган ва давом этмоқда. Хўш, нега бу ўйиннинг аксар фойдаланувчилари ўсмирлар?

Үйин қоидасига кўра, иштирокчи шартларни эрталаб 4:20 да тармоққа кириб, қабул қилиб олади. Дастреб оқ қофозга кўк кит суратини чизиш топширилади. Сўнг ана шундай суратларни танага чизиш буюрилади. Агар ўйин иштирокчиси кит бўлишга тайёр бўлса, «Ҳа» сўзини оёғингга тилиб ёзиши, мободо, жавоби «йўқ» бўлса, у ҳолда қўлини шунчаки бир неча бор тилиши айтилади. Саҳар 4:20 да уйғониб, кўп қаватли уйнинг томига чиқиш ёки оёқларини пастга осилтирган кўйи томда ўтириш, поезд рельслари устида юриш каби ақлга сифомас вазифалар кўпайиб боради. Иштирокчи эса вазифаларни бажарганининг исботи сифатида суратга тушиб, гурух бошқарувчисига кўрсатиши керак. Гурух аъзолари шу каби турли топшириқлар бажариб, уни видеога олишлари ва гурухда намойиш қилишлари талаб этилади. Масалан, тез кетаётган автомобиль олдидан сўнгги дамда югуриб ўтиш. Бу ўйинларда босқичма-босқич «топшириқлар» мурак-каблаштириб борилади ва энг охирги топшириқ ўз жонига қасд қилиш билан тугайди.

Хўш, нега иштирокчи ёшлар уларнинг топшириқларини сўзсиз бажаришмоқда?

Гап шундаки, ўлимдан асрраб қолинган кўпгина ўсмирларнинг таъкидлашича, вазифаларини бажармаган ва уларга бўйсунмаганларга таҳдид қилиб, «ўзимиз сени ўлдирамиз ёки ота-онанг яқинларингни бошқа кўрмайсан» каби дўқ-пўписалар қилишган. Афсуски, бу оддий пўписалар эмас эди. Чиндан улар маҳсус дастур орқали фойдаланувчининг IP-манзилини аниклаб, унинг уй манзилини билиб олишган ва шу орқали, «сен шу манзилда яшайсан, шартни бажармасанг, оиласанг билан йўқ қиласиз ёки уканг боғчадан қайтмайди, орқага йўл йўқ, бажаришинг шарт», дея қўрқитишган. “Мени кузатишаётган экан”, деб ўйлаган ўсмир кўрқувга тушиб, яқинларини химоя қилиш учун ўз жонига қасд қиласи.

«Ўлим гурухи»нинг топшириғи, асосан, тонгги 4:20 - 5:00 атрофида берилади. Бунинг сабаби «бу туш экани, шартни

бажариши билан уйғониши ва натижаси қандай бўлганини билиш мумкин»лиги каби гипноз усулларидан фойдаланилгани хабарларда айтилмоқда.

Нимага болалар осонгина бу ўйин иштирокчисига айланади олишяпти? Бу саволга психологлар шундай жавоб берадилар: “Хали ўсмирларда, айникса, бу каби ўйин иштирокчисига айланиб улгурган болаларда ўзини асрар ва ҳимоя қилиш интстинкти тўла шаклланмаган. Фарзандининг ҳар бир ҳатти-ҳаракатига ота-она доим ҳам эътибор беравермайди. Умуман эътиборсизлар ҳам борлиги янада ачинарли. Шу боисдан ўсмир ўтиш давридаги характер ўзгариши пайтида яқинларининг эътиборида бўлишни истаб қолади ва шу каби ўйинлар билан бунга эриша оламан, эътиборни ўзимга қаратса оламан, деб хисоблайди”.

Ота-оналар фарзандини қандай асрар қолиши мумкин, деган ҳақли савол туғилади.

Ўз боласини ана шундай хавфлардан асрар учун ота-она унинг смартфон ва планшетида қандай ўйинлар ўйна-ётганини, ижтимоий тармоқларда ким билан мулоқот қилаётганидан хабардор бўлиб туриш ўта муҳимдир.

Энг яхиси, болани имкон қадар кўпроқ машғулотлар билан банд қилиш керак, то унинг ортиқча ишлар билан шуғулланишга вакти ҳам кучи ҳам қолмасин. Турли спорт машғулотлари, тўгараклар, мусиқа дарслари, уй юмушлари ва ҳоказо.

Ота-она учун энг ёмони, фарзандининг ишончини йўқотиш ва ундан узоклашиб кетишидир. Бунинг олдини олиш учун ота-она кўпроқ боланинг ҳаётида иштирок этиши керак, у билан бирга шуғулланиши, унинг мактабдаги, тўгаракдаги муваффакиятлари билан қизиқиши ва керак бўлганда маслаҳат бериб туриши жуда зарурдир.

Ушбу ўйинлар ҳақида фикр юритганда, Биринчи Президентимиз таъбири билан айтганда, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга давр келганига яна бир карра амин бўламиз.

## **Муаммонинг илдизи нимада?**

Ушбу «ўлим гурухлари» асосан ижтимоий тармоқларнинг турли сегментларида ўз гурухларини турли номлар ва «ҳештег»лар остида ташкил этган ҳолда ўсмир ёшларни банди қилади. Бу каби гурухларнинг номлари асосан ўсмирларни тушкунликдан халос этиш, уларга кўмак бериш, муаммоларига ечим топа олиш имкониятларига қаратилган бўлиб, шу жиҳат билан жалб этади. Ўсмир ёшдаги болаларда эса бундай ҳолатлар тез-тез кузатилиши сир эмас. Шу боис ўсмирлар «ўлим гурухлари»нинг номига қизиқиб, ўйин ҳаволасига киради ва унга аъзо бўлиб қолади.

## **Нега айнан кўк кит?**

Чунки кўк китлар тез-тез тушкунлик сабаб ўзини қирғоқка, қуруқликка ташлаб, ўз жонига қасд қилади.

## **Нега айнан ўсмирлар ўйнайди?**

Бунинг сабаби жуда оддий: ўсмирлар атрофдагиларга ўзининг нималарга қодирлигини кўрсатишга иштиёқманд бўлади ва ҳар қандай ўйинда ғолибликка интилади. Ижтимоий тармоқлардаги «ўлим гурухлари» ўсмирларнинг ана шу нозик жиҳатларига эътибор қаратган ҳолда улардан фойдаланади ва хавфли ўйин якунидаги «ғолиблик»ка етаклайди.

## **Ўйин қоидаси нималардан иборат?**

Ўйин шартлари эса 50 қисмдан иборат ва 50 кун давом этиб, охири ўйинчининг ўз жонига қасд қилиши билан якунланади. Ўйин қоидасига кўра, иштирокчи хавфли ўйин шартларини эрталаб тармоққа кириб қабул қилиб олади. Гурух етакчиси (куратори) тузоққа илинган ўсмирга самимий муносабатда бўлиб, унинг қизиқишилари, кайфияти ва ўзи ҳақида кўпроқ билишга интилади. Кейин ўсмирни текшириб кўриш учун ҳавола юборади ва жасурлигини синовдан ўтказади.

Аввалига топшириклар оддийгина бўлади, масалан, гурухнинг рамзини чизиш каби. Аммо кейинчалик бу шартлар мураккаблашиб, ҳатто тиф билан қўлни тирнаб ёзишга ҳам

мажбур қиласы. Иштирокчи вазифаларни бажарганининг исботи сифатида берилган топширикнинг бажарилганини суратга тушириб, гурух «куратори» га құрсағаты керак.

«Үлім гурухлари» қүйётган ўйин шартларининг энг сүнгги босқичида юқори қаватдан ўзини ташлаш, тез келаётган автомобилнинг олдини кесиб ўтиш каби топшириқларни бажариш асносида худкүшликни амалга оширишга ундайды.

### **Ўйин қандай яқун топади?**

«Үлім гурухлари» кураторлари берилган топшириқларни ўйинга альзо бўлган ўсмирнинг сүнгги босқичда, яъни хавфли кульминацион нуқтада бажаришдан бош тортишига йўл қўймайди, бўйин товлаганларга таҳдид билан тазиқ ўтказади. Улар ўсмирга ҳабар юборади ва уни очишни таклиф этади. Кураторлар маҳсус дастур орқали ўсмирнинг IP манзилини аниқлаб, унинг уй манзилини билиб олади ва шу орқали сүнгги хавфли шарт, яъни суицидни бажаришга мажбуrlайди, акс ҳолда яқинларини йўқ қилиш билан таҳдид қиласы. Ҳали мустақил қарор қабул қилиш салоҳиятига эга бўлмаган ўсмир бу таҳдидлардан ваҳимага тушади ва шартни бажаришга кўнади.

## **ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР БИЛАН ИШЛАШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ**

Таълимнинг муваффақияти унинг ўзгариб, ривожланиб бораётган дунёнинг концептуал талабларига жавоб бериши билан белгиланади. Таълимда иштирок этаётган ҳар бир мутахассис ўз фанининг моҳир билимдони бўлиши билан бир қаторда, таълим-тарбия фаолиятини олиб бориш билан боғлик зарур ижтимоий компетенцияларга ҳам эга бўлиши шарт.

Ўқувчи шахсини ривожлантиришга каратилган таълим иштирокчиси ёш даврлари психологияси, бола руҳий ривожланишининг ёш хусусиятлари, шахс тузилмаси ва шахс шаклланишининг умумий қонуниятлари тўғрисидаги кенг психологик билимларга эга бўлиши зарур.

Таълим тизимида психологик хизматнинг мақсад ва вазифаларини ҳар бир ўқитувчи тўғри талқин қила олиши, психологик ташхис ва унинг таълим-тарбия жараёнини ташкил қилишдаги аҳамиятини билиши ва айрим психологик диагностика методикаларидан фойдалана олиши лозим.

Бугунги кунда шахснинг ахлоқий – психологик хусусиятлари, ижтимоий ижобий мотивацияларни ривож-лантириш, педагог ходимларнинг касбий-профессионал лаёқатлилиги, ўқувчиларда ижобий сифатларни такомиллаштиришда замонавий психологик метод ва усуллардан фойдаланиш масалалари долзарб вазифалардан бирига айланди.

Психологик хизмат жамоа аёзлари ўртасидаги шахслараро муносабатлар диагностикаси, ходимларнинг касбий малака даражасини ошириш, жамоаларидаги психологик мухитни яхшилаш, кадрларни тайёрлаш ва танлаш каби қатор мухим вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради.

Психологик хизматнинг мақсади шахснинг ҳар то-монлама шаклланиши, ривожланиши, ижтимоийлашуви, хаётий вазиятларга мослашуви, болалар ривожланишининг барча ёш

даврларида психологияк саломатлигини муҳофаза қилиш учун шарт-шароит яратишдан иборат.

Психологияк хизматнинг вазифалари:

- ҳар бир боланинг индивидуал хусусиятлари, қизи-қишилари, лаёқат ва қобилиятларига мувофиқ ривож-ланишида унинг психологик имкониятларидан юқори даражада фойдаланиш;
- ўкувчининг интеллектуал, шахсий, ижтимоий ривож-ланишидаги оғишларни ўз вақтида аниқлаш, тузатиш ва олдини олиш;
- таълим муассасаларининг ўқувчилари ва битирув-чиларига касбий ва ҳаётий ўзлигини англашида уларнинг шахсий қизиқишилари, мойилликлари, қобилиятлари, саломатлигини инобатта олган ҳолда психологик ёрдам кўрсатиш;
- таълим жараёни барча субъектларининг психологик саломатлигини муҳофаза қилиш, ўқувчилар жамоаси ва педагогик жамоада соғлом психологик иқлимини сақлаш, келиб чиқиши мумкин бўлган низоларнинг энг мақбул ечимларини топиш;
- муассасада ўқувчиларнинг таълим ва тарбияси, ўсмирлар ва ёшлар хулқидаги оғишлар, шахснинг оиласда ва жамиятда мослашуви ва ижтимоийлашуви муаммолари бўйича педагоглар, ота-оналар ёки қонуний вакилларнинг самарали ҳамкорлигини таъминлаш;
- “хавфли гурӯҳ”га кирувчи ўсмирларни психологик қўллаб-куватлаш, улар учун тегишлича психологик тавсифномаларни расмийлаштириш ва зарур бўлганда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга тақдим этиш, тарбияси оғир ўсмирларни (хуқуқбузарларни) ижтимоий реабилитация қилиш бўйича тадбирларни амалга ошириш, уларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;
- иқтидорли болалар ва ўсмирларнинг ижодий ривож-ланишига имкон бериш максадида психологик кузатиш ва қўллаб-куватлаш.

## Психологик хизматнинг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат:

Психологик маърифат ва тарғибот;

Психологик профилактика;

Психологик диагностика;

Психологик коррекция;

Психологик маслаҳат;

Касб - ҳунарга йўналтириш.

**Психологик маърифат ва тарғибот.** Муассасанинг педагогик жамоасини, ўқувчиларни ва ота-оналарни психологик билимларни эгаллашга жалб этиш, уларнинг психологик маданиятини ошириш мақсадида турли маш-ғулотлар, ўқув-маърузалар уюштиришдан иборатdir.

**Психологик профилактика.** Педагог ва ота-оналарда болаларнинг ҳар бир ёш давридаги психик ривожланиши ҳақидаги психологик билимларни эгаллаш, бола шахси ва ақлий тараққиётида содир бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай салбий оғишларнинг ўз вактида олдини олишга қаратилган психологик тадбирлардан иборатdir.

**Психологик диагностика.** Ўқувчиларни мактабда ўқитиши давомида психологик-педагогик жиҳатдан чукурроқ ўрганишга йўналтирилган бўлиб, уларнинг индивидуал хусусиятларини, таълим ва тарбиясидаги нуқсонларнинг сабабини аниқлашга мўлжаллангандир.

**Психологик коррекция.** Психологдан инсон шахси ва индивидуаллигини таркиб топтириш жараёнига фаол таъсир ўтказишина тақозо қиласди.

**Психологик маслаҳат.** Ушбу маслаҳат доирасида ота-оналар ва ўқувчиларга шахсий, касбий ва ҳаётий муаммоларини ҳал этишга ёрдам берилади, уларни ўз психологик саломатлилигини муҳофаза қилишга ўргатилади. Психологик маслаҳат индивидуал, гурухий тарзда ўтказилади, профилактик ва коррекцион характерга эга бўлади.

Таълим муассасаларида психологик хизматнинг асосий мазмуни қуидагилардан иборат:

- ҳар бир ёш даврида боланинг шахсий ва интеллектуал ривожланишига тўлиқ шароит яратиб бериш;
- ҳар бир болага индивидуал ёндашиш имкониятини амалга ошириш;
- болани интеллектуал ва шахс сифатида ривож-ланишидаги хулидаги оғишлар сабабини аниқлаб коррекцион ишларни белгилаш;
- ижтимоий фаол шахс шаклланишида ёрдам бериш.

Педагогик жараёнда ўқитувчи турли ёшдаги болалар билан муомала ва муносабатларга киришар экан, у аввало ҳар бир боланинг индивидуал психологик хусусиятлари ҳақида чуқур билимларга эга бўлиши зарур.

Шахс индивидуал тараққиётининг муҳим омилларидан бири унинг ёшига боғлиқ бўлган хусусиятларидир. Чунки тараққиётнинг ҳар бир ёш босқичи ўзининг ривожланиш омилларига, қонуниятларига ва ўзгаришларига эга бўлиб, улар шахснинг характеристи, темпераменти, қобилияtlари, билиш жараёнларига бевосита таъсирини ўтказади.

Турли ёш даврлардаги инсон тараққиёти ўта мураккаб жараён бўлиб, ҳар бир даврнинг ўз қонуниятлари мавжуд. Ҳар бир босқичда шахснинг бирор бир хусусиятлари ўзининг етуклиқ фазасига эришади.

Тадқиқотларга кўра, шахс томонидан оламни сенсор жиҳатдан билишнинг етуклиқ фазаси 18 – 25 ёшларга, интеллектуал, ижодий етуклиқ - 35 ёшларга келиб энг юқори нуктасига эришади. Шунга ўхшаш хусусиятлар инсоннинг бутун умри мобайнида муттасил камолга етиб, ривожланиб боришини таъминлайди.

Ҳар бир ёшда бирор функцияларнинг ривожланиши бошқа бир функцияларнинг сусайиши ҳисобига рўй беради. Масалан, болаликнинг илк боғча ёшида фазога мослашув

жуда кучайса, кейинчалик унинг ўрнини вақтни адекват идрок қилиш эгаллайди. Қарияларнинг бирор нарсалар хусусида билимдонлиги, маълумотлар дунёсидағи яхши ориентацияси, психомоторик функциялар ва бевосита билиш жараёнларининг сусайиши ҳисобига рўй беради.

Ёш даврлари психологиясининг энг асосий муаммоларидан бири инсоннинг руҳий тараққиётидаги қандай ижтимоий омиллар (генетик, ортирилган) етакчи эканлиги масаласидир. Бир томондан, боланинг ўз ота - оналаридан мерос сифатида ўзлаштирган сифатлари, иккинчи томондан ташқи мухит таъсири бевосита аҳамиятга эга деб қаралади.

Бу муаммолар устида илмий изланишлар олиб борган олимлар Л. Выготский, Ж. Пиаже, С. Рубинштейн, А. Леонтьев ва кўплаб бошқа психологлар иккала омил аҳамиятини инкор қилмаган ҳолда ижтимоий мухитнинг етакчи таъсири тўғрисидаги фикрни баравар ёқлаганлар. Чунки тўғри ташкил этилган таълим-тарбия, оила ва ундаги ўзаро муносабатларнинг характеристики, шахс мулоқотда бўладиган ижтимоий гурӯхлар, у танлаган касб, никоҳ ва маълумот масалаларининг қандай ҳал қилинганлиги каби қатор ижтимоий омиллар шахснинг ривожланиши, ўзини англаши ва ўзгаларга муносабати, билиш жараёнлари ҳамда интеллектуал тараққиётидаги катта аҳамиятга эгалигига шубҳа йўқ.

Абу Наср Форобийнинг инсон руҳияти ҳақидаги фалсафий мушоҳадаларида, Абу Али Ибн Синонинг тиббиёт габаритларининг асарларида баркамол инсоннинг ахлоки, маданияти, одамларга муносабати, истеъоди ва қобилияти тўғрисида қимматли мулоҳазалар юритилади.

Болаларнинг куйидаги ривожланиш босқичларида ўзига хос бўлган турлича ўзгаришлар содир бўлади:

- 0-1 ёш - гўдаклик даври;
- 1-3 ёш - илк болалик;
- 3-7 ёш - мактабгача бўлган давр;
- 7-11 ёш - кичик мактаб ёши даври;

11-15 ёш - ўсмирлик даври;  
15-17 ёш - илк ўспиринлик даври;  
18-22 ёш - кеч ўспиринлик даври.

Бола ривожланишига бир қанча биологик ҳамда ижтимоий омиллар ўз таъсирини ўтказади.

Даниил Эльюнин ёш босқичларини белгилар экан унда болаликнинг уч даврини фарқлади: илк болалик, болалик ва ўсмирлик. Ҳар бир босқичнинг ўзига хос етакчи фаолияти, ўзгаришлари ва ривожланиш шарт - шароитлари мавжуд бўлади ва уларни билиш тарбиячилар учун катта амалий аҳамиятга эгадир.

Ҳар бир босқичда фаолият мотивлари ҳам ўзгаради, уларнинг ўзгариши шахс эҳтиёжлари ва талаблари даражасининг ўзгаришига мос тарзда рўй беради.

Ҳар бир ёш даврида жисмоний ўсиш психик янгиланишлар, физиологик ўзгаришлар ҳамда ижтимоий мослашиш каби мураккаб жараёнлар содир бўлади.

Педагогик фаолиятда “ўтиш даври”, “оғир давр”, “инқироз даври”, “қалтис давр” деб аталмиш ўсмирлик давридаги ўқувчилар билан ишлаш муайян мураккаблик туғдиради.

### **Ўсмирлик даврининг психологик хусусиятлари**

Ўсмирлик даври инсонни улғайиши билан боғлиқ бўлиб, болаликдан катталикка ўтиш даври бўлиб ҳисобланади. Бошқа ёш даврларига нисбатан ўзининг кескин кечиши, жадаллиги ва мураккаблиги билан ажralиб туради. Ўсмирликда “ўтиш даври” таҳминан 11 ёшдан 14-15 ёшгacha оралиқقا тўғри келади. Ўсмирлик даврининг бошланиши қиз болаларда ўғил болаларга нисбатан 1-2 йил аввалроқ рўй беради.

Бу даврда ривожланишнинг барча жиҳатлари: жисмоний, ақлий, ахлокий, ижтимоий ва шу кабиларнинг мазмун моҳияти ҳам ўзгаради. Ўсмирнинг хаётида, рухиятида, танасида физиологик ҳамда ижтимоий ҳолатида ўзгаришлар содир бўлади. У

энди “бола” эмас, лекин ҳали “кatta” ҳам эмас. Унинг ўз-ўзига ва атрофдагиларга нисбатан бўлган муносабатлари бутунлай бошқача характер кашф этади. Унинг қизиқишилар тизими, ижтимоий йўналиши қайта шаклланади. Ўз-ўзини баҳолаши, қадриятлари тизими ўзгаради. Унинг учун ўз “мен”ининг аҳамияти ортади.

Бу даврда ўсмир ривожидаги кескин ўзгаришлар асосида физиологик ҳамда психологияк ўзгаришлар ётади. Физиологик ўзгариш жинсий етилишнинг бошланиши, иккиласмчи жинсий белгиларнинг пайдо бўлиши билан характерланади. Организмдаги ўзгаришлар бевосита ўсмир эндокрин системасининг ўзгаришлари билан боғлиқdir. Бу даврда ички секреция безларидан бири гипофиз безининг функцияси фаоллашади. Унинг фаолияти организм тўқималарининг ўсиши ва муҳим ички секреция безларининг, яъни қалқонсимон без, буйрак усти, ошқозон ости, жинсий безлар ишини кучайтиради. Натижада бола бўйининг ўсиши тезлашади, жинсий балоғатга этиш жараёни амалга оша боради.

Ўсмирлик даврида катталарга нисбатан агрессив муносабат шаклланиши. нохуш хулқ-автор аломатлари пайдо бўлиши мумкин. Бу хусусият ўз-ўзидан келиб чиқадиган бевосита жинсий етилиш туфайлигина эмас, балки ўсмир яшайдиган ижтимоий шарт-шароитлар, унинг тенгдошлари билан, катталар билан муносабати, мактаб ва оиласидаги эгаллаб турган ўрни билан боғлиқ бўлади.

Ўсмирлик эгоцентризмининг шаклланиши – бутун олам ва унинг қонуниятлари унга бўйсуниши керакдай фикрнинг пайдо бўлишига олиб келади. Шунинг учун ҳам айнан ўсмирлик пайтида болалар ўз ота-оналари билан ҳадеб тортишаверадилар. Аниқ бир тўхтамга келолмаса ҳам тортишиш бирор фикрни изҳор қилиш эҳтиёжининг ўзи унга жуда ёқади.

Болаларнинг ёш хусусиятларини мукаммал билиш, ёш имкониятларидан келиб чиқиб ёндошиш педагогик жараённи

самарали ташкил этишга имкон беради. Турли ёшдаги ўқувчиларнинг психологик хусусиятларини билиш, уларга индивидуал ёндашиш, ҳар бир болада шахсни кўра билиш, уни ҳурмат қилиш ҳамда тан олиш орқали ўқув тарбия ишларини режалаштириш ва олиб бориш бугунги кун ўқитувчисининг асосий иш мазмунини ва моҳиятини ташкил этиши шарт.

Ўсмирлар билан ишлашда, бу даврдаги муам-моларнинг ечимини топишда қўйидагиларга аҳамият бериш лозим:

- ўсмирни бирор нарсага тизимли қизиқтириш;
- қизиқишлиарни рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш;
- бекор қолмаслигига эришиш;
- ҳар бир ҳаракатини рағбатлантириш;
- унга ишонч билдириш, ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлаш;
- фикрларини ҳурмат қилиш;
- ҳаётий максадларини қўйишда қўмаклашиш;
- шахсиятига тегмаслик;
- ўз-ўзига берадиган баҳосини объектив бўлишига эришиш.

**Ўқув фаолиятининг психологик моҳияти.** Ўқувчининг билим олиши, мавзуларни ўзлаштириши, дарс давомида ўзини тутиши ва умуман таълим жараёнининг самараси ўқув фаолиятининг қандай ташкил этилишига боғлиқ.

Ўқув фаолиятида шахснинг психик жараёнлари шаклланади ва ривожланади, унинг асосида янги фаоли-ятлар юзага келади. Ўқув фаолияти инсоннинг бутун ҳаёти давомида намоён бўлувчи жараёндир.

Таникли рус олими Даниил Элькониннинг ўзининг психологик ривожланиш концепциясида ўқув фаолиятининг хусусиятларини кўрсатиб, уни моҳиятига ва мазмунига кўра ижтимоийлигини таъкидлайди.

Ўқув фаолияти турли мотивлар асосида қурилган бўлиши

даркор. Бу мотивлар бевосита ўқувчи шахсининг ўсиши ва ривожланиши билан боғлиқ бўлиши керак. Ўқув фаолияти таълим, ўкиш ва ўрганиш деган тушунчалар билан бевосита боғлиқдир.

Таълим ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигидаги ўқув фаолияти, ўқитувчи томонидан билим, кўникма ва малакаларни ўқувчиларга ўргатиш, уларда мухим ижтимоий компетенцияларни шакллантириш жараёнидир. Таълим жараёни бевосита муайян ахборотни, ҳаракатларни, хулқ-авторнинг шаклларини ўзлаштиришга қаратилгандир.

Таълим бошқариладиган жараён бўлиб, бунда ҳар бир боланинг ҳаракати назорат қилинади. Таълим жараёнининг ҳар бир босқичида ўқитувчи ўқувчининг билимларини, малакаларини ўзлаштириши ҳақида ахборот олиб туради, янги материалларни аввалги ахборотларни ўзлаштирилиши даражасига қараб тақдим этиб боради.

**Таълим жараёнида ўзлаштиришнинг муваффақияти қўйидагиларга боғлиқ:**

- Таълим мазмунига;
- Ўқув режалари, дастурлари, дарслеклар ва ўқув қўлланмаларининг мавжудлигига;
- Таълим методикаларини такомиллашганлигига;
- Ўқитувчи маҳоратига;
- Ўқувчининг индивидуал психологик хусусиятларига.

Бугунги кунда таълим муассасасининг асосий вази-фаси ўқувчини мустақил таълим олишга, ўз-ўзини ривожлантиришга тайёрлашдир.

**Ўқувчининг ўқишига бўлган қизиқишини ривожлантириш учун ўқитувчи қўйидаги қоидаларга таяниши лозим:**

- ўқув жараёнини шундай ташкил этиш лозимки, бунда ўқувчи фаол ҳаракат қилиши, мустақил изланиши, янги билимларни ўзи кашф этиши ва муаммоли ҳарактердаги масалаларни ечиш учун шароит излаши керак;

- ўқувчиларга бир хил ўқитиши усуллари ва бир турдаги маълумотларни беришдан қочиш керак;
- ўргатилаётган фанга нисбатан қизиқишнинг намоён бўлиши учун айни шу фан ёки билимнинг қанчалик аҳамиятли ва муҳим эканлигини англатиш керак;
- янги материал қанчалар ўқувчи томонидан аввал ўзлаштирилган билимлар билан боғлиқ бўлса, у ўқувчи учун шунчалик қизиқарли бўлади;
- ҳаддан зиёд қийин материал ўқувчидаги қизиқиш уй-ғотмайди. Берилаётган билимлар ўқувчининг кучи этадиган даражада бўлиши лозим.

**Шахс шаклланишининг умумий психологияк қонуниятлари.** Одам табиатан ижтимоий мавжудодdir, деган эди ўз вақтида Аристотель. «Шахс» тушунчаси психологияда энг кўп қўлланиладиган тушунчалар сирасига киради. Психология ўрганадиган барча феноменлар айнан шу тушунча атрофидаги қайд этилади.

«*Homo sapiens*» – «ақлли зот» тушунчасини ўзида ифода этувчи жонзоротнинг пайдо бўлганига тахминан 40 минг йилдан ошибди. Бу даврда олимларнинг эътироф этишларича, 16 минг авлод алмашган экан.

Олимлар, мутафаккирлар шахс ва жамият алоқалари тизимида инсоннинг туб моҳиятини англаш, унинг ривожланиши ва камол топиши қонуниятларини излаганлар. Абу Наср Фаробий, Алишер Навоий, Ибн Сино, Беруний каби юзлаб Шарқ алломалари ҳам бу ўзаро боғлиқликнинг фалсафий ва ижтимоий сирларини очишга ўзларининг энг нодир асарларини бағишилаганлар. Барча карашларга умумий бўлган нарса шу бўлганки, одамни, унинг моҳиятини англаш учун аввало унинг шу жамиятда тўтган ўрни ва мавқенини билиш зарур. Шахсни ўрганишининг бирламчи мезони ҳам шундан келиб чиқсан ҳолда, унинг ижтимоий мавқеи, ижтимоий муносабатлар тизимидағи ўрни билан белгиланиши керак.

Ижтимоий муносабатларга киришувчи, ижтимоий тарақ-қиётда иштирок этувчи одамгина шахс дейилади. Шахснинг энг асосий белгиси – унинг онгли фаолият эгаси эканлигидир. Маълумки киши онги фақат жамиятда, бошқалар билан ўзаро муносабатда, тил ёрдамида ижтимоий тажрибани ўзлаштиришда шаклланади.

Инсон шахсининг характерли томонларидан бири унинг индивидуаллигидир. Индивидуаллик - шахснинг психологик, ижтимоий, физиологик хусусиятларининг тақорланмас бирикмасидир. Шахснинг индивидуаллиги унинг характери, темпераменти, ҳиссиётлари, фаолиятининг мотивлари, қобилиятлари ва бошқа хусусиятлари йиғиндисига боғлиқ.

Шахсга таалуқли бўлган энг муҳим тасниф унинг жамиятдаги мураккаб ижтимоий муносабатларга бевосита алоқадорлик, ижтимоий фаолиятга нисбатан ҳам объект, ҳам субъект бўлишликдир.

Инсон боласи илк ёшлиқданок «жамият» деган ижтимоий муҳитга тушади. Бу муҳит биз билган ва ҳар куни хис қиласидиган ижтимоий муносабатлар, сиёsat, хукуқ, ахлоқ оламидир. Бу муҳит - келишувлар, тортишувлар, ҳамкорликлар, анъаналар, қадрияtlар, удумлар олами бўлиб, ундаги кўплаб қоидаларга кўпчилик мутлоқ қўшилади. Бу шундай қоидалар оламики, уларга бўйсунмаслик жамият томонидан қораланади, таъқибланади. Шахс ижтимоий хулқига турли ташқи кучлар таъсир қиласи: сиёсий, мафқуравий, иқтисодий, маънавий, ахлоқий ва бошқалар. Бу таъсиrotлар моҳияттан аслида жамият аъзолари бўлмиш шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг айrim алоҳида йўналишларини белгилаб беради.

Шундай қилиб, шахс турли ижтимоий муносабатлар тизими таъсирида бўлади ва қўплаб ижтимоий институтлар (оила, маҳалла, ўқув масканлари, меҳнат жамоалари, норасмий ташкилотлар, дин, санъат, маданият) билан боғлиқ бўлади.

Масалан, шахсдаги турли гоялар, фикрлар мафқуравий муносабатлар тизими таъсирида бевосита оила, боғ-ча, мактаб, бошқа ўқув ва тарбия муассасаларида шакллантирилади.

Агар бу таъсир унинг эътиқоди даражасида кўтарилса ва унда яна янгидан-янги фикрлар ва фояларнинг пайдо бўлиши, ўсишига олиб келса, шахс тараққиёти жараёнида шундай фаолият соҳасини танлайдики, ўз қобилиятлари, малака ва кўнижмаларини ривожлантира бориб, элу-юртига хизмат қиласди.

**Ўсмирик даврида шахс ижтимоийлашуви.** Шахс, унинг дунёни билиш, ўзини ва атрофидаги инсоний муносабатларни билиш, тушуниши ва ўзаро муносабатлар жараёнида ўзидаги такрорланмас индивидуаллийкни намоён қилиши ҳамда ушбу жараёнларнинг ёшга ва жинсга боғлик айrim жиҳатларини таҳлил қилиш умумий равишда шахс - ижтимоий мавжудотdir, деган холосани такрорлашга имкон беради.

Яъни, у дунёга келгандан бошлаб ўзига ўхшаш инсонлар курсовида бўлади ва унинг бутун руҳий потенциали ана шу ижтимоий мухитда намоён бўлади. Чунки агар инсоннинг онтогенетик ривожланишига эътибор берадиган бўлсак, ҳали гапирмай туриб, одам боласи ўзига ўхшаш мавжудотлар даврасига тушади ва кейингина ижтимоий мулоқотнинг барча кўринишларининг фаол субъектига айланади.

Демак, ижтимоийлашув - инсон томонидан ижтимоий тажрибани эгаллаш ва ҳаёт - фаолият жараёнида уни фаол тарзда ўзлаштириш жараёнидир. Содда тил билан айтганда, ижтимоийлашув - ҳар бир шахснинг жамиятга қўшилиши, унинг нормалари, талаблари, таъсирини қабул қилган холда, ҳар бир ҳаракати ва муомаласида уни кўрсатиши, шу ижтимоий тажрибаси билан ўз навбатида ўзгаларга таъсирини ўтказа олиши жараёнидир.

Ижтимоийлашув жараёнлари рўй берадиган шарт-шароитлар ижтимоий институтлар деб аталади. Бундай институтларга оила, маҳалла, давлат муассасалари (боғча, мактаб, маҳсус таълим муассасалари, олийгоҳлар, меҳнат жамоалари) ҳамда норасмий ўюшмалар, нодавлат ташкилотлари киради.

Бу институтлар орасида оила ва маҳалланинг роли ўзига хосдир. Инсондаги дастлабки ижтимоий тажриба ва ижтимоий хулқэлементлари айнан оилада, оилавий муносабатлар тизимида шаклланади.

Шунинг учун ҳам ҳалқимизда «Қуш уясида кўрганини қиласи» деган мақол бор. Яъни, шахс сифатларининг дастлабки андозалари оилада олинади ва у жамиятдаги бошқа гурухлар таъсирида сайқал топиб, такомиллашиб боради.

Оила билан бир қаторда маҳалла ҳам муҳим тарбияловчи-ижтимоийлаштирувчи роль ўйнайди. Шунинг учун, баъзан одамнинг қайси маҳалладан эканлигини суриштириб, кейин хулоса чиқаришади, яъни маҳалла билан маҳалланинг ҳам фарқи бўлиб, бу фарқ одамлар психологиясида ўз аксини топади. Масалан, битта маҳалладан яхши келин чиқса, айнан шу маҳалладан қиз қидириб қолишади. Шунга ўхшашиб нормалар тизими ҳар бир кўча-маҳалланинг бир-биридан фарқи, афзаллик ва камчилик томонларини белгилайди, бу феномен шу маҳаллада катта бўлаётган ёшлар ижтимоийлашувига бевосита таъсирини кўрсатади.

Муҳим ижтимоийлашув объектлари сирасига мактаб, коллеж ва бошқа таълим масканлари киради. Айнан шу ерда ижтимоийлашув ва тарбия жараёнлари маҳсус тарзда ўйғунлаштирилади. Ўқувчилар диди, кутишлари ва талабларига жавоб берган ўқитувчи болалар томонидан тан олинади, акс холда эса ўқитувчининг таъсири факат салбий резонанс беради.

Худди шундай ҳар бир синфда шаклланган муҳит ҳам катта аҳамиятга эга. Баъзи синфларда ўзаро ҳамкорлик, дўстлик муносабатлари яхши йўлга қўйилган, гурухда ижодий мунозаралар ва баҳслар учун қулай шароит бор. Яна бир муҳим ижтимоийлашув муҳити – бу меҳнат жамоаларидир. Бу муҳитнинг аҳамияти ва ўзига хослиги шундаки, бу ерга шахс одатда улғайтан, маълум тажрибага эга бўлган, хаёт ҳақидаги тасаввурлари шаклланган пайтда келади. Қолаверса, эгалланган

мутахассислик, орттирилган меҳнат малакалари ва билимлар ҳам жуда муҳим бўлиб, шу муҳитдаги ижтимоий нормалар характеристига таъсир қиласди. Лекин барибир шахснинг кимлар билан, қандай ўзаро муносабатлар муҳити таъсирида эканлиги унинг етуклик давридаги ижти-моийлашувининг муҳим мезонларидандир.

Меҳнат жамоаларида яхши, соғлом маънавий муҳит, адолат ва самимиятга асосланган муносабатлар ҳар бир инсон тақдирида катта роль ўйнайди.

Ижтимоийлашувнинг масъулият ҳиссига боғлиқ йўналишларидан яна бири шахсда шаклланадиган мақсадлар ва идеаллардир. Улар шахсни келажакни башорат қилиш, эртанги кунини тасаввур қилиш, узоқ ва яқинга мўлжалланган режаларни амалга оширишга тайёрлигини таъминлайди. Бу мақсадлар доимо ўзининг англанганлиги ва шахс реал имкониятларига боғлиқлиги билан характерланади.

Инсоннинг қизиқишлар дунёси атрофда рўй берадиган барча ходисалар, уларнинг ўзаро муносабатлари, янгиликлар, уларни ўрганишга имкон берувчи омилдир. Қизиқишлар мазмунан кенг ёки тор, мақсад жиҳатидан профессионал, барқарор, доимий ёки вақтинчалик бўлиши мумкин. Қизиқишларнинг энг муҳим томони шундаки, улар шахс дунёқараши ва эътиқодини шакллантиришга асос бўлади. Эътиқод шахсга ўз қарашлари, принциплари ва дунёқарашига мос тарзда яшашга имкон беради. Халқ доимо эътиқодли инсонларни хурмат қиласди.

Эътиқоднинг предмети турлича бўлиши мумкин – Ватанга эътиқод, динга, фанга, касбга, оиласга, гўзалликка ва шунга ўхшаш.

## **ОИЛАДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ БОЛА ШАХСИННИНГ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИРИ**

*Барча манфаатлар ичида энг гўзали –  
яхши тарбия олган инсондир  
Эпиктет*

Маълумки, таълим-тарбияда оиланинг аҳамияти ва таъсири фоятда муҳим. Шунинг учун ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш энг долзарб масала сифатида қаралади. Бу борада кўп гапирилсада, низоли оилалар, ажралишлар микдори ортиб бораётганлиги ўз навбатида болалар тарбиясига салбий таъсирини кўрсатмоқда. Ҳозирги глобаллашув даври ёшларимизни оилавий ҳаётга тайёрлашда уларга оиланинг психологик асосларини ўқитиш, ўргатиш ва уқтириш зарурлигини тақозо килмоқда.

Инсоният жамияти тараққий этиб борган сари одамларнинг ўзлари ҳам уларнинг бир-бирлари билан бўладиган ўзаро муносабатлари айниқса, шахсий муносабатлар орасида энг самимий энг яқин бўлган оилавий муносабатлари ҳам такомиллашиб, ўзига хос тарзда мураккаблашиб боради.

Ишлаб чиқариш муносабатлари жамият тараққиёти бир томондан, одамларнинг ўзларида рўй берадиган ижтимоий психологик, физологик ва бошқа ўзгаришлар одам-ларнинг ўзаро мулоқот муносабатлари доирасини маълум даражада чегараланиб қолишига олиб келмоқда. Аждодларимизга хос бўлган ўзаро муносабатлардаги сабр-қаноатлилик, шукроналилик, бағрикенглик каби миллий хусусиятларнинг маълум даражада камайиб кетаётганлигига ва оқибатда инсон руҳиятида имкон қадар ҳиссий эмоционал зўриқишлиарнинг юзага келишига асос бўлмоқда. Буларнинг таъсири оилавий ҳаёт ва ундаги психологик иклимда ҳам ўз ифодасини топади.

Махсус адабиётларда баён этилишича, шунингдек, ўтказилган тадқиқотлар натижалариға кўра, сўнгги юз йил ичидагашларда кузатилаётган акселерация жараёнига кўра уларнинг жинсий, физиологик балоғатга етиши икки - уч йилга илгарилаб кетган. Бундан юз йилча олдин ёшларнинг жинсий балоғатга етиш даври 15-16 ёшга тўғри келган, ҳозир эса бу ҳолат 12-13 ёшларга тўғри келади. Ривожланишнинг тезлашганлиги ёшларнинг оиласи ҳаётга тайёргарлик жиҳатларига ва ижтимоий мослашувига жиддий эътибор қаратилиши лозим эканлигидан далолат беради. Ёшларнинг иқтисодий мустақилликка эришишлари 20-21 ёшдан 23-25 ёшгача бўлган даврга тўғри келади. Бундан ташқари, одамларнинг турмуш тарзи ривожланиши билан бирга оиласаларнинг кундалик ҳаёти ўзгариб, кийинишга, майший буюмларга, моддий фаровонлик даражасига бўлган эҳтиёжи ҳам ортиб боради.

Жамият тараққиётининг бугунги ҳолати ҳозирги замон оиласи олдига ўзига хос янги ижтимоий функцияларни ҳам юклайдики, буларнинг барчаси ҳозирги ёшларимизни оиласи ҳаётга махсус тайёрлаш масаласини энг долзарб масалалардан бири сифатида юзага чиқишига сабаб бўлади.

Оила қуидаги асосий функцияларни бажаради:

иктисодий (оила иқтисоди ва бюджети, даромадларни режали сарфлаш, кундалик харажатлар, зарур буюмларга пул ажратиш, маблағ йиғиш, жамият олдидаги оиланинг иқтисодий вазифалари, шу жумладан шахсий ишлаб чиқариш);

репродуктив (наслни давом эттириш, жамиядаги демографик ўзгаришларга ижобий таъсир, насл саломатлигини сақлаш, аёлда оналик, эркакда оталик ҳиссини шакллантириш);

тарбиявий (шахс маънавияти ва дунёқараши билан боғлиқ бўлган оиласадаги ақлий, ахлоқий, маънавий, жисмоний маданий, диний, эстетик, миллий урф одатларимизга, қадриятларимизга асосланган тарбия);

рекреатив (оила аъзоларининг ўзаро бир-бирларига жисмоний, моддий, маънавий ва психологик ёрдам кўрсатишлари, бир-бирининг саломатликларини мустахкамлаш, дам олиш тадбирларини ташкиллаштириши);

коммуникатив (оила аъзоларининг ўзаро мулоқоти, бир-бирларини тушунишга бўлган эҳтиёжларининг қондирилиши даражаси);

регулятив (оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни бошқариш, оиладаги устунлик, обрўга эришиш жараёни, катталар томонидан ёшларни назорат қилиш);

релаксация (рухий, жисмоний, жинсий қувватни, эмоционал фаолиятини қайта тиклаш. Оилада тотувликни, ижобий психологик иқлим ҳукм суришини таъминлаш).

Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»да ҳам оила-никоҳ масалалари алоҳида эътиборда бўлган. Унда кўрсатилишича, оилада ота етакчи бўлиб, эр-хотинлар содикликка даъват этилган, бир-бирларига ғамхўр ва меҳрибон бўлишга чақирган. Ўша даврда оила қуришнинг қуидаги мотивлари бўлган:

- ота ёки хомийнинг хоҳиш-иродаси туфайли;
- севги - муҳаббат туфайли;
- қаровсиз қолганлиги туфайли (аёллар);
- фарзандли бўлиш хоҳиши туфайли.

Умуман айтганда, оила масалаларига катта эътибор қаратилган бўлиб, аёл ва оиланинг жамиятда тутган ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш учун ўша даврлардан бошлаб замин яратила бошлаганлигини таъкидлаш лозим. Оила ва оилавий муносабатлар масаласи ўтган асрларда ҳам даврнинг муҳим муаммоси бўлиб келган. Зотан, ҳар бир инсон умрининг қўп вақти оилада ўтади. Шунинг учун оиладаги нозик психологик ҳолатлар болалар ички ҳиссиётлари ва рухиятига катта таъсир ўтказади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, бола тарбиясига энг аввало ота-онанинг шахси, ҳаёт фаолиятлари,

турмуш тарзи билан биргаликда оиладаги психологик мухит-нинг таъсири катта бўлади.

Оилада мухит ва ўзаро мuloқot қандай бўлса, бола худди шу мухит таъсирида улғаяди. Умуман, ҳар қандай оиланинг тарбиявий таъсирчанлиги ва самарадорлиги кўп жиҳатдан оилада қарор топган ота-она ўртасидаги ўзаро ва болаларига, ахлоқий-рухий ҳолатига боғлик. Ҳар бир оилада болалар учун ғамхўрлик қилиниши табиий ҳолдир. Болалар катталарнинг ғамхўрлигига мухтоҷ бўладилар, катталар болаларга ғамхўрлик қилар экан, бола ўзини баҳтиёр ҳис қиласи.

Ёш авлодни ҳар томонлама мукаммал шахс қилиб тарбиялашдек маъсулиятли вазифа ота-она елкасида.

Оила мураккаб ижтимоий гурух бўлиб, биологик, ижтимоий, ахлоқий, мафкуравий ва руҳий муносабатларнинг бирлашуви натижасида вужудга келади. Шу сабабли турмушдаги ва оила аъзолари муносабатларидағи ўзгаришлар унинг моддий майший, иқтисодий негизи ўзгаришига бевосита боғлиқдир.

Мuloқotда буйруқ оҳангининг ўстирилиши оилада ўзаро рақобатни вужудга келтиради. Чунки дўқ-пўписа, оиладагиларга нисбатан тез-тез билдирилиб турилган норозилик, самимий мuloқotга путур етказади.

Оилада ўзаро ёрдам, бир-бирини тушунишга ҳаракат қилиш, маслаҳатлашиш каби усувлардан фойдаланилса, бундай оилаларда дўстона муносабатлар ўрнатилади ва энг яхши психологик мухит юзага келади. Албатта мuloқot жараёнида **юзага келадиган тўсиқлар мавжуд**.

**Психологик тўсиқ.** Бу сұхбатдошига ёқмай қолишдан қўрқиши, тушунолмай қолишдан, кескинликдан қўрқиши, қўполлик қилишдан хавотирланиши.

**Вазиятли тўсиқлар.** Сұхбатдошларнинг бир хил вазиятни турлича тушунишлари.

**Мазмуний тўсиқлар.** Сұхбатдош тушунмаганлиги туфайли, унинг мазкур жумласи қандай маънода айтилгани, у қандай

фикрни илгари суряпти, шу мuloҳазаларга бориш туфайли юзага келади.

**Мотивацион тўсиқлар.** Бунда гапираётган одам ё ўзи баён қилаётган фикрини мотивини етарлича англай олмайди ёки атайнин уларни (асосий мотивни) яширишга харакат қилаётган бўлиши мумкин.

Ҳар бир миллат ўзига хослиги, миллий маданияти, миллий адабиёти, миллий тили ва шу миллатнинг руҳий (маънавий) тарзининг мажмуасида шаклланади.

Ўзбек халқининг ўз руҳий қиёфаси, миллий хусусияти, миллий характери, миллий туйғуси, мижози (темпераменти), хулқ-автори, ахлоқи, диди, таъби алоҳида ажralиб туради.

Ўзбек миллатининг билиш жараёнлари қобилия-тинининг аниқ йўналишга қаратилган, эҳтиёжи ва қизиқиши, миллий онги ўзига хос хусусиятларга эгадир. Ўзбек халқининг тарихий анъаналари, урф-одатлари, удуми, расм-русумлари, ахлоқ меъёрлари, турмуш тарзи, маънавий қадриятлари, шахслараро муносабатлари, мuloқот мароми ва хусусияти бошқа халқларнидан маълум даражада тафовутланади. Ўзбек халқи характерида андишлилиқ, хушмуомалалик, ширинсуханлик, меҳмондўстлик, қўли очиқлик ва сахийлик сифатлари мавжуд.

Миллий характер муайян миллат фазилатлининг ўзига хос хусусиятларининг мажмуасидан иборат бўлади. Миллий характер ўз ичига иродавий сифатларни (мустақиллик, чидамлилик, принципиаллилик, ўз ўзини тута билиш, қатъийлик, матонат кабиларни) ва ахлоқий хислатларни (поклик, интизомлилик, самимийлик, хаққонийлик, инсонпарварлик ва бошқалар) қамраб олади. Миллий характер одамларга бўлган муносабатларни (яхшилиқ, меҳрибонлик, талабчанлик, такаббурлик) меҳнатга бўлган муносабатларни (меҳнатсеварлик ёки ялқовлик, масъулиятлилик ёки масъулиятсизлик), нарсаларга бўлган муносабатларни (озодалик, тежамкорлик- исрофгарчилик, аяш ёки аямаслик) ва одамларнинг ўз-ўзига бўлган муносабатларни

(иззат-нафслилик, шухратпарастлик, мағрурлик, ўзини катта олиш, димоғдорлик, камтарлик) ифодалайди. Ўзбек халқининг этнопсихологик хусусиятларидан унумли фойдаланиш ҳар томонлама етук инсон шахсини таркиб топтиришда муҳим роль ўйнайди. Оиланинг соғлом бўлиши уларда ижобий психологик иқлимнинг ҳукм суриши, ўзи яшаётган давлатнинг фуқароси сифатида ўз давлатининг иқтисодиёти, ижтимоий тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Хозирги вақтда жамиятимиз тараққиётида, мустақил-лигимизнинг истиқболига иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, экологик, ички ва ташқи омилларнинг таҳдид солмаслиги учун оиласлар мустаҳкамлигини таъминлаш зарурдир. Бу масаланинг тўғри ҳал этилишининг асосий йўллардан бири ёшларни оиласвий ҳаётга тайёрлаш, оиласлар мустаҳкамлигини сақлаб қолишдир. Бунинг муваффақиятли амалга оширилишида жамиятимизнинг ҳар бир фуқароси, педагоглар ва ота-оналар ҳам бирдек масъулдирлар.

Оиладаги манавий тарбиянинг муҳим шаклларидан бири бу маънавий сұхбатлардир.

Сұхбат давомида қуйидаги омилларга эътибор қаратилиши лозим:

- ҳар бир шахсга индивидуал ёндашиш;
- сұхбатдошнинг шахсиятига тегмаслик;
- сұхбатдошнинг дунёқараши, эътиқоди, нұқтаи назаридан келиб чиқиб, муносабатда бўлиш;
- сұхбат олиб борищда сұхбатдошнинг ёш хусусиятларини, ижтимоий мавқеини ҳисобга олиш;
- сұхбатдошнинг эмоционал ҳолатига (ҳаяжон, қўркув, хавотирлик, аффект ҳолатлари ва бошқалар) баҳо бера олиш;
- сұхбатдошга ўзи учун маъқул позиция (жой) ни танлашига имкон бериш.

Сұхбатнинг олиб боришида қуйидаги асосий тамойилларга аҳамият берилади:

- сұхбатдошга нисбатан доимо ҳурмат ва эътиборда бўлиш керак;
- сұхбатдошни диққат билан эшлиши лозим;
- сұхбатдошнинг айтган фикрларига доимо ҳурмат билан қараш керак;
  - сұхбатдошга қарата “Сен ноҳақсан” дейишга шошилманг;
  - инсоннинг хатосини унинг кўзига тик қараб айтмаслик керак;
  - сұхбатнинг боришида овоз тонига, оҳангига аҳамият бериб туришни унумаслик лозим;
  - сұхбатнинг дўстона муҳитда боришига эришиш;
  - сизга юзма-юз ўтирган томоннинг ўз фикр мулоҳазаларини айта олишига шароит яратиш керак;
  - тинглаш жараёнида бошқа обьектларга чалғимаслик зарур;
  - берилаётган фикрларга қатъий қарши бўлсангиз ҳам, ҳеч қачон гапни бўлманг, тушунишга ҳаракат қилинг;
  - вужудга келган муаммони сұхбатдошнинг нуқтай назаридан кўришга уринаётганингизни сездиринг;
  - вазминлик билан, шошилмасдан гапиришга эътибор қилинг;
    - одамлардаги шахсий хусусиятларни эмас, балки вазиятни, юзага келган муаммони мухокама қилишга аҳамият беринг;
    - сұхбат давомида асосий фикр дан четга чиқмасликка ҳаракат қилиш лозим.

Оила психологиясига доир энг муҳим билимларни таълим тизими ходимлари, ўқитувчилар, ота-оналар ва ёшлар орасида тарқатиш, ўқув-семинарлари, учрашувлар ташкил этиш асосида зарурий малакалар ва кўникмаларни шакллантиришга жиддий эътибор берилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

## СУИЦИД ҲАҚИДА НОТҮҒРИ ВА ҲАҚИҚИЙ ҲОЛАТ

Т/б	нотүғри хулоса	ҳақиқиий ҳолат
1	Суицид ҳақида кўп гапирилаётган шахс ўзига эътиборни тортишга уринаётган бўлади	Суицид ҳакида тез-тез гапириш инсон калбида турли руҳий азоблар мавжудлигидан ва шахс уларни атрофдагиларга етказишга уринишдан дарак беради
2	Суицид тўсатдан юз беради	10 тадан 8 ҳолатларда суицидент ўз режаси ҳақида атрофдагиларга етказишга уринишдан дарак беради
3	Суицид ирсий касаллик	Шахс аутоаггрессив ҳаракат моделини нафақат оиласда ўзлаштиради, балки атрофмұхитдан андоза олади
4	Ўз жонига қасд қилиш руҳий касаллик	Кўпгина суицидентлар умуман руҳий касалликтайланмаган соғлом инсонлардир
5	Агар шахс ўтмишда суицид содир этган бўлса, бўбошқа такрорланмайди	Аксарият ҳолларда суицид тақрор содир этилади
6	Суицид содир этувчилик ўлишни истайдилар	Аксарият суицид содир этувчилик ўлишни истамайдилар, балки уларни қийнаётган фориг бўлишни истайдилар ва ёрдам қабул килишга тайёрлайдилар

7	Суицидга олиб келувчи барча хатти-ҳаракатлар импульсив ( тўсатдан ) юз беради	Аксарият суицидив харатклар олдиндан пухта ўйланган бўлади ва уни содир этувчилар атрофдагиларга сездирадилар
8	Барча суицидентлар депрессивв ҳолатда бўладилар	Депрессия суицидга олиб келиши мумкин, аммо барча суицидентлар хам депрессия ҳолатида бўлавермайдилар
9	Суицидни олдини олиш мумкин эмас	Ёрдам олиш имконияти мавжудлигини англаш аксарият суицидларни олдини олишга имкон беради
10	Ўз жонига қасд килувчилар жуда кам ҳолатларда ёрдам олишга интиладилар	Суицидид олди ҳолатларда 50% га яқин шахслар шифокорларга, психологларга, отоналарга мурожаат киладилар

## **ОТА-ОНАЛАР УЧУН ТАВСИЯЛАР**

Фарзандингизни бошқа болалар билан дүстлашишга ўргатинг.  
Уни ёлғиз юришига йўл қўйманг.

Фарзандингизнинг дўстларини баҳолашда уни ота-  
онасингмавқеи, имкониятига қараб эмас, фарзандингизга  
бўлган муносабатига эътибор беринг.

Ўртоқларини ўзининг шахсий фикри асосида баҳо бериш ва  
хурмат килишга ўргатинг.

Фарзандингизга ўртоқларининг ютуқларини кўрсатишга  
ҳаракат қилинг, албатта таққосламаган ҳолда.

Фарзандингизни дўстликдаги садоқатини рағбатлантиринг.

Фарзандингиз ўртоқларини уйингизга меҳмонга таклиф  
қилинг, улар билан мулоқот ўрнатинг.

Дўстликда ростгўй бўлиш, манфаат кўзламаслик кераклигини  
ўргатинг.

Фарзандингизни доим дўст бўлишга ўргатинг.

Фарзандингиз дўстига ишонгандай ўз сирларини сизга айтса,  
сизга бўлган ишончини сустеъмол қилманг.

Фарзандингизни танқид қилинг, фақат уни масҳара қилиб  
эмас, балки қўллаб-қувватлаган ҳолда.

Фарзандларингизни орзу-ҳавасларини қўллаб-қувватланг.

Фарзандларингизда ўзига бўлган ишончни шаклллантиринг.

Фарзандларингизда шахсий имкониятларини адекват баҳолаш  
даражасини ривожлантирг.

Фарзандларингизни келажак билан эзгу режаларини ижобий  
тарзда мотивацияланг.

## ХУЛОСА

Бугунги куннинг асосий вазифаси юксак маънавиятли, кенг билимли, эркин фикрлайдиган, ўз қарашларида миллий ва умуминсоний қадриятларга таянган, ўз хатти-харакати, ҳаёт тарзи билан миллий қадриятларга садоқатли ёшларни тарбиялаш ва камол топтириш, уларга жамият ҳаётидан муносиб ўрин эгаллаши учун кўмаклашишдир.

Айникса, глабаллашув, тезкор ахборот алмашинуви замонида ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг маънавий оламини турли таҳдидлардан асраш бу куннинг ўта долзарб масаласидир.

Глабаллашув ва ахборот алмашинуви дунё халқлари маданиятларининг яқинлашуви, бир-бирига таъсир ўтказишига имкон бермоқда. Бу бир томондан турли миллат ва элатларнинг бошқа халқлар маданияти, урф-одати, қадриятлари билан танишиши, тафаккур тарзи ва дунёқарashi кенгайиши учун хизмат қилаётган бўлса, иккинчи томондан «коммавий маданият» ниқоби остида ахлоқий бузуқлик, зўравонлик, эгоцентризм ва индивидуализм ғояларига асосланган қарашларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Мухтарам биринчи Президентимиз «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида таъкидлаганидек, «Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта баҳтли бўлиб яшашаи учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади».

Бу масалада хушёрлик ва сезигрликни, қатъият ва маъсулиятни йўқотиш, муқаддас қадриятларга йўғрилган ва улардан озиқланган буюк миллий маънавиятдан, тарихий хотирадан айрилишга, умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишга олиб келади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Т.: “Ўзбекистон”, 2002. – Б.41.
- 2 .Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч.-Т.: «Маънавият», 2008. – 270б.
3. «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конуни. – Т., 1997. 29 август.
4. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. – Т., 1997. 29 август.
5. Воспитание трудного ребенка: дети с девиантным поведением. под.ред. М.И. Рожкова. –М., 2003 г.
6. Дюргейм Э. Самоубийство: Социологический этюд / пер. с фр.; под ред. В.А. Базарова. М.: Мысль, 1994. 300 с.
7. Гилинский Я.И. Девиантология. СПб. Юридический центр Пресс. 2007. – 528 с.
8. Оилавий мухит ва болалар //Қалқон. – 2006, - №1.- Б.14-15.
9. Ядгарова Г.Т., Авлаев О.У. Тарбияси қийин, қалтис гурухга мансуб болалар билан ишлаш (Услубий қўлланма)Т.: 2007 й.
10. Умаров Б.М. Ўзбекистонда вояга етмаганлар жиноятилигининг ижтимоий-психологик муаммолари. Монография. – Тошкент, “Фан” нашриёти – 2008, 314 бет.
11. Акопян К.З. Самоубийство: проблема мотивации (размышления в связи с психологическим этюдом Н. А. Бердяева «О самоубийстве») // Психологический журнал. - 1996. - Т.17, №3.
12. Актуальные проблемы суицидологии: Сборник трудов московского НИИ психиатрии. - М., 1978. - Т.78.
13. Амбрумова А.Г. Диагностика суицидального поведения. - М., 1980. - 48 с.

14. Шустов Д.И. Аутоагрессия, суицид и алкоголизм. - М.: Когито-Центр, 2005. - 214 с.
15. “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимида психологияк хизмат тўғрисида”ги Низом.- Тошкент, 2002 йил 1 август.
16. Рахмонова Д.Б. Бошқарув психологияси. Маъruzalар матни. – Бухоро: 2010. – 80 б.
17. Раҳимова К., Абдуллаева А. Оиласий муносабатлар психологияси. Илмий оммабоп қўлланма. – Фарғона: 2006.
18. Розум С.И. Психология социализации и социальной адаптации человека. М: Речь, 2006. – 366 с.
19. Каримова В.М. Оила маърифати (ёшларга оила илми ҳақида биринчи рисола). Илмий-оммабоп нашр. – Тошкент: 2009. – 44 б.
20. Оила психологияси: Академик лицей ва касб-ҳу-нар коллажлари ўқувчилари учун ўқув қўлланма. / F.Б. Шоумаров таҳрири остида / – Тошкент: “Шарқ”, 2008. – 296 б.
21. Овчарова Н.А. Справочная книга школьного психо-лога М; 1996 г.
22. “1001 саволга психологнинг 1001 жавоби” ўқув қўлланма. / F.Б. Шоумаров таҳрири остида / – Тошкент: “Шарқ”, 2001. - 296 б.
23. Ғозиев Э.Ғ. Умумий психология.–Тошкент: “Ўзбе-кистон файласуфлари миллий жамияти”, 2010. – 544б
24. Давлетшин М.Г. «Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси». – Т., 1999 й.
25. Дўстмуҳамедова Ш.А. Ўқитувчиларнинг ўқув фаолиятларини бошқариш психологияси. – Т., 2000 й.
26. Йўлдошев У.А., Пўлатов М. Амалий психологнинг иш китоби.- Н, 2000

[www.edu.uz](http://www.edu.uz) [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) [www.tvpkqtmoi/zn.uz](http://www.tvpkqtmoi/zn.uz)

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Вояга етмаганлар ўртасида суицид ҳолатларни содир этиш ижтимоий муаммо сифатида .....	6
Суицид: умумий тушунчалар.....	10
Суицидиал хулқ-автор ва унинг келиб чиқиши сабаблари.....	14
Суицидал хатти-харакатнинг диагностик белгилари.....	15
Суициднинг олдини олиш бўйича профилактик тадбирлар..	19
Суицидни олдини олиш бўйича услубий тавсиялар.....	24
Девиант феъл-авторли болалар ва ўсмирлар томонидан амалга оширилаётган ноқонуний хатти-харакатларнинг ижтимоий илдизлари.....	27
Девиант феъл-авторли болалар ва ўсмирлар ўртасида олиб бориладиган тарбиявий тадбирлар самарадорлиги омиллари.....	31
«Кўк кит» ва унинг даҳшатли асоратлари.....	35
Таълим муассасаларида вояга етмаганлар билан ишлашнинг психологик асослари.....	42
Оиладаги муносабатларнинг бола шахсининг шакилланишига таъсири.....	56
Суицид ҳақида нотўри ва ҳақиқий ҳолат.....	63
Ота-оналар учун тавсиялар.....	65
Хуроса.....	66
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	67

Илмий-оммабоп нашр

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР  
ЎРТАСИДА СУИЦИД  
ХОЛАТЛАРНИНГОЛДИНИ ОЛИШ**

**Таълим муассасалари педагог ва психологлари учун**

**МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМА**

Муҳаррир: Ў.Холдорова  
Мусахҳих: А.Набиев  
Дизайнер: А.Муродова

Нашриёт лицензияси II №193. 10.05.2011  
Босишга рухсат этилди. 16.11.2017 й. Бичими 60x84 <sup>1/</sup><sub>32</sub>  
Times New Roman гарнитураси. Офсет босма.  
Шартли босма табоғи 4.5. Нашр табоғи 4.2  
Адади 300 нұсха. Буюртма № 62

**«Kamalak”** нашриётида нашрга тайёрланган.

